А.С. КАРИМОВ

НАЗАРИЙ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА

(икки томли дарслик)

1 ТОМ

ŒЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ŒРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

А.С. Каримов

Н А З А Р И Й Э Л Е К Т Р О Т Е Х Н И К А

(икки томли)

(1 кисм. Электромагнит майдон ќамда электр ва магнит
занжирларига оид асосий тушунча ва šоидалар.
II кисм. Чизиšли электр занжирлар назарияси)

I Т О М

¡збекистон Республикаси Олий ва œрта махсус таълим вазирлиги олий œšув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этган.

«¡збекистон» – 2002

УДК 621.30(083)
Назарий электротехника: икки томли дарслик: 1 том. А.С.Каримов.
Тошкент Давлат техника университети. Тошкент, 2002. 422 бет.

Дарслик икки томдан иборат бœлиб, унинг биринчи томида чизиšли электр ва магнит занжирлари назарияси асослари ёритилган. У олий œšув юртларининг энергетика ва электромеханика мутахассислиги талабалари учун мœлжал-ланган ва энг замонавий œšув дастурига асосланган. Дарсликдан бакалавриат ва магистратурада œšийдиган талабалар, аспирантлар ва мухандислар ќам фойдаланиши мумкин.

____ та жадвал, _______ та расм. Адабиётлар 15 номда.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети илмий-услубий кенгаши šарорига кœра чоп этилди.

Tašризчилар:
техника фанлари доктори, профессор Т.М. Šодиров,
техника фанлари доктори, профессор М.И. Ибодуллаев.

Автор ушбу китобнинг чиšишида ёрдам берган Тошкент Давлат техника университети «Назарий ва умумий электротехника» кафедраси доц. М.М.Мирќайдаровга ва ассистент А.Х.Икромовга,

ќамда шу кафедра аъзоларига œз миннатдорчилигини билдиради.

К $\frac{}{M351(04)2002}$ 2001

М У К А Д Д И М А

Ќар šандай мустаšил ва ривожланган давлатнинг иštисодий ва индустриал šудратига баќо беришда унинг энергетикаси ва энергоресурслари (кœмир, нефт, газ ва ќ.к.) ќисобга олинади. Бу маънода Œзбекистон Республикасининг саноати, šишлоš хœжалиги ва халš фаровонлиги табиат бойликларига асосланган бœлиб, тобора ривожланувчи энергетикаси билан таъминланиб бораётир. Айни шу кунларда республика миšёсида œрнатилган ва узлуксиз электр энергия берувчи электростанцияларнинг šуввати šарийб 12 млн. киловаттни ($12x10^6$ кВт) ташкил этади. Йил мобайнида улар ишлаб чиšадиган электр энергияси 70-75 млрд.киловатт-соатга тенгдир. Аммо республика аḱолисининг киши бошига тœђри келадиган, яъни ишлатиладиган йиллик энергияси 4000 киловатт-соатдан ошмайди, буни эса Европа мамлакатларидаги œртача кœрсаткичдан (10-12 минг кВт-соат) анча паст деб билиш керак. Бу республикамиз ресурсларини янада кœпроš ишга солиб, электр станцияларнинг сонини ва šувватини тобора кœпайтиришга мажбур этади. Шуни алоḱида таъкидлаш керакки, йирик иссиšлик ва гидравлик электростанциялар šаторида šуёш энергияси ва сув šувватидан фойдаланишга мœлжалланган кичик ва ḱатто майда электростанцияларни кенг масштабда šуриш лозим.

Электроэнергетиканинг бундай суръатда ривожланиб боришини унинг илмий - назарий асоси бœлмиш, назарий электротехникасиз тасаввур šилиб бœлмайди. Умуман олганда электротехника (шу жумладан, назарий электротехника) ḱамма замонавий электротехник илмий йœналишлар (электромеханика ва электродинамика, электроника ва яримœтказгич техникаси, автоматика, алоšа ва ḱисоблаш техникаси, радио ва телевидение ва ќ.к.) учун фундаментал фан тармоги ќисобланади. Шунинг учун ќам XX асрнинг 30-йилларида электротехника фанини чегаралаш маšсадида унга махсус физик ва математик сайšал берилиб, асосан электр ва электромагнетизм šонунларини œрганиш ва уларнинг назарияларини чуšурлаштириш топширилган. Натижада янги ва тез кунда тараššий топган н а з а р и й э л е к т р о т е х н и к а фани вужудга келди.

Электротехника назарий асосларини œзлаштирмаган инженер энергетика соќасида замонавий мутахассис бœлиб етишиши мумкин эмас. У ќозирги кунда яратилаётган электроэнергетик ва электроника асбоб-ускуналарини саводли равишда ишлатолмаслиги аниš. Бœлажак инженер œз онги билан электр занжирлар ва магнит майдонлардаги физик жараёнларни чуšур œрганган ќолдагина фаол ижодкор бœла олади.

Электротехника тарихи œз илдизлари билан šадим замонларга кириб кетган. У мусбат ва манфий зарядланган электр заррачалар ва оќанграбо темирлар (магнитлар) хусусиятларини œрганишдан бошланган. Аммо шунга šарамай, XIX асрнинг бошларига šадар, 300-400 йил мобайнида, ќеч ким электр ва магнит ќодисаларини бир-бири билан чамбарчас боғланганлигини айтиб беролмаган. Айнан электр ва магнит ҳодисалари ягона табиатли электромагнит майдонининг икки турли, икки томонли хусусияти эканлиги исботланганидан кейин электротехника қудратли техника соҳасига айлана бошлади.

Биринчи изланишлар - электр ва магнит ҳодисаларини ўрганишдаги дастлабки ютуқлар сабабчилари сифатида инглиз физиги У.Гилъберт (1544-1603 й.,), рус олимлари М.В. Ломоносов (1711-1765 й.) ва Ф. Энипус (1724-1802 й.), француз физиги Ш.Кулон (1736-1806 й.) ва бошқаларни кўрсатиш ўринлидир. Улар туфайли инсоният ҳаёти билан чамбарчас боғланган табиатнинг вужуди тўла-тўкис электромагнит ҳодисалардан иборатлиги исботланди. Қолаверса, бу олимлар очган қонун-қоидалар ҳозирги замонавий фундаментал фанларга ҳам асос бўлди.

1735 йилда Ш.Кулон ҳар қандай иккита q_1 ва q_2 электрланган заррачалар (зарядлар) ўртасида электр майдон кучлари ҳосил бўлишини исботлаб, улар ўртасидаги ўзаро тортишиш (ёки итарилиш) кучи шу зарядларнинг массаларига тўғри пропорционал ва улар орасидаги масофанинг квадратига тескари пропорционаллигини кўрсатиб берди. Ундан ташқари Кулон электр зарядларини ток ўтказгичларининг фаšат сиртидагина жойлашишини айтиб берди. Магнит моменти ва зарядларнинг šутбланиши тœђрисидаги маълумотларни ќам ушбу олим šолдирган.

1820 йилда Даниялик физик Х.Эрстед (1777-1851 й.) ќаракатдаги заряд (ёки электр токи) œз атрофида магнит майдони ќосил šилишини исботлади: бу ќодиса электр ва магнит майдонларининг œзаро бођланган ќолатда вужудга келишини тажрибада тасдиšлади.

Худди œша 1820 йилда француз олими А.Ампер (1775-1836 й.) думалоš ђалтак (соленоид) атрофида, œзгармас ток œтиши натижасида, ќосил бœлган магнит майдони табиий темир магнитларининг майдонидан фарš šилмаслигини кœрсатди. Демак œзгармас магнитлар майдони ќам улар таркибидаги молекуляр токлар оšими натижасида вужудга келади деб хулоса šилди олим. Шуниси šизиšарлики, ер магнетизми тœђрисидаги замонавий назариялар ќам ер атрофидаги магнит майдонини ер юзидаги токлар билан бођлайди.

Кейинги œта муќим кашфиёт - 1831 йилда топилган электромагнит индукция ќодисаси, яъни магнит майдонида ќаракат šилаётган œтказгич сим четкаларида электр юритувчи куч ќосил бœлиши ќисобланади. Бу физикавий фундаментал šонунни яратган инглиз олими М.Фарадей (1791-1867 й.) яна бир бор магнит ва электр ќодисалари бир-биридан ажралган ќолатда мавжуд бœла олмаслигини исботлади.

1833 йилда рус олими Э.Х.Ленц (1804-1865 й.) электр токи ќосил šилган магнит майдони компас милини ќаракатлантириши ва магнит майдонида ќаракатда бœлган œтказгичда э.ю.к. ќосил бœлиши šонуниятларига ягона электромагнит ва œзаро тескари жараёнлар деб бахо берди. Аммо шу билан бирга бу изланишлар Х.Эрстед ва М.Фарадей яратган šонунларнинг бир-бирига бођлиšлигини намойиш этган.

Электр манбалари яратишда ва улар энергиясининг истеъмол šилиниши, бошša турли энергияларга айланиши назариясини ишлаб чиšишда яна бир гуруќ олимлар фаол ижод šилганлар. Булар ичида: итальян физиги А.Вольта (1745-1824 й.) œзининг кашфиёти билан дунёда биринчи электр кимёвий генератор яратган (1799 й.); рус академиги В.В. Петров (1761- 1834 й.) тарихда биринчи бœлиб (1822 й.) электр ёй кашф этган; немис физиги Г.С. Ом (1787-1854 й.) электр токининг кучини занжир šаршилиги билан бођлаган (Ом конуни - 1826 й.); немис олими Г.Р. Кирхгоф (1824-1887 й.) œз ватандоши Г.С. Омнинг галъваник электр занжирларига бађишлаган назариясини муваффаšият билан давом эттириб, 1847 йилда œзининг машќур "I ва II Кирхгоф šонунлари"ни яратди. Натижада XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб электротехника ќам назарий, ќам амалий жиќатдан жуда ривожланиб кетди. Европанинг деярли хамма йирик давлатларида (Франция, Англия, Германия, Россия, Италия ва х.к.) саноат энергетикаси оёššа тура бошлади: электр машиналар, трансформаторлар, электр узатувчи линиялар ва бошšа энергетика техникаси яратилиши авж олди. Шу билан бир šаторда электр алоšа техникаси (телеграф, телефон ва х.к.) ва автоматика элементлари пайдо бœла бошлади.

Электротехника назарияси эса йилдан-йилга бойиб борди ва ниќоят буюк инглиз олими Ж.К. Максвелл (1831-1879 й.) бу фаннинг тœла-тœкис ђалаба šозонишига асосий сабабчи бœлди. М.Фарадей асослаган электромагнетизмга тегишли порлоš ђоялар Ж.Максвелл ижросида янги кучли сифатларга эга бœлди. Натижада табиатнинг бошšа соќаларига ќам электромагнит šиёфа берилди; шу жумладан ёруђлик тарšалиши šонуниятларига ќам электромагнит сайšал берилди. Хуллас, кœп йиллар мобайнида ќар хил илмий йœналишларда тœпланиб šолган талай муаммолар Максвелл назариялари ёрдамида ечила бошлади. Физика тарихида биринчи марта ”Электромагнит майдони фазонинг шундай бир šисмики, у œзини ва œз ичига олган моддаларни (нарсаларни) электрланган ёки магнитланган ќолатда ушлаб туради“ - деб хулосага келинди. Ж.Максвеллнинг машхур бœлган тœртта дифференциал тенгламаси электродинамика фанининг янада ривожланишига асос бœлди. Чуšур тушунчалар бериб тœхталмаганда, бу тенгламалар тегишлича: Гаусс теоремаси, электромагнит индукция ќодисаси, магнит куч чизиšлари узлуксизлиги ва тœла ток šонунларини дифференциал кœринишда акс эттиради.

Ж.Максвеллнинг электромагнит майдон назарияси XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида буюк олимлар Генрих Герц (1857-1894 й.), П.Н.Лебедев (1866-1912 й.), А.С.Попов (1859-1906 й.) томонидан амалий тасдиšланиб, электромагнит тœлšинлар (радио тœлšинлари) ќисобига электротехника, радио ва телевидение вужудга келишига сабабчи бœлди.

Электротехниканинг ривожланиши XX асрнинг бошларида фан ва техниканинг йирик ва амалий сохаларини кашф šилиш билан нишонланди. Электр энергиясини ишлаб чиšаришда катта-катта электрогенераторлар, уни масофага узатишда эса йирик ва юšори кучланишли трансформаторлар кашф этилди. Электр юритгичлар (моторлар) завод ва фабрикаларда буђ машиналарининг œрнини эгаллади ва секин-аста транспортда электор юритма вазифасини ќам бажара бошлади. Бу эса электротехникадан ”электр машина ва трансформаторлар“, ”электр юритма“, ”корхона ва шахарларни электрлаштириш“, ”электр станциялар, электр тармоšлар ва системалар“ каби янги йœналишлар ажралиб чиšиб, уларнинг мустаšил фан соќаларига айланишига олиб келди.

Кучсиз токлар электротехникаси эса алоšа техникаси (телефон ва телеграф), радиотехника ва телевидение, автоматика ва телемеханика, электроника ва ќисоблаш техникаси каби йœналишларнинг пайдо бœлишига сабабчи бœлди. Натижада электротехника фани чегарасиз ва катта ќажмли илм хазинасига айланди ва уни соќаларга ажратмасдан туриб œзлаштириб бœлмайдиган бœлиб šолди. Шунинг учун хам энергетика ва электротехника мутахассисликларида œšийдиган олий ва œрта махсус œšув юртларининг талабалари учун ”Назарий электротехника (ёки электротехниканинг назарий асослари) “ деган фан œšитилади.

Назарий электротехника фани Œзбекистон Олий œšув юртларида асосан 1930-1935 йиллардан бошлаб œšитилиб келинаётир. Илм-фаннинг бу йœналишига Œрта Осиё индустриал институти šошидаги энергетика факулътетида асос солинган. Юртимиздаги барча œšув юртларида œšитиладиган электротехника фани œšув дастурларидан œрин олиб, бошšа техник фанлар šаторида мухандисларнинг илмий савиясини оширишда œзбек олимлари - проф. Ђ.Р. Раќимов, проф. Х.Ф. Фозилов проф. М.З.Хомидхоновларнинг хизматлари жуда катта бœлган. Шуни хам айтиш лозимки иккинчи жаќон уруши йилларида (1941-1945 й.) собиš иттифоšнинг марказий шаќарларидан Тошкентга ваšтинча кœчиб келган рус олимларидан - академик Л.Р. Нейман ва Академия мухбир аъзоси М.А. Шателенлар хам бизнинг электротехника фанимизнинг ривожланишига сезиларли ќисса šœшганлар.

”Назарий электротехника“ фанини Œзбекистонда биринчи бœлиб талабаларга œргатган, дастлабки лабораториялар ташкил этган, бу соќада кœплаб юšори малакали мутахассислар тайёрлаган ва ниќоят œзидан кейин йирик илмий мактаб šолдирган олим - Œзбекистон ФА мухбир аъзоси, профессор Ђофир Раќимович Раќимовдир. Айнан шу мœътабар олим ва тараššийпарвар инсон туфайли Тошкент политехника институти (хозир эса техника университети) ”Назарий электротехника“ кафедраси кœп šœешни давлатлар доирасида (Россия федерацияси, Украина, Белорус, Šозођистон, Кавказ давлатлари ва х.к.) обрœели маориф даргохига айланди. Профессор Г.Р.Раќимов фаолияти натижасида ТошПИ собиš СССР мамлакатлари мišёсида назарий электротехниканинг ”Ночизиš электротехника йœналиши“ бœйича илмий марказга айланди.

Мазкур китобда ёритилган назарий маълумотлар тœртта асосий šисмдан иборатдир;

I кисм. ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОН, ХАМДА ЭЛЕКТР ВА МАГНИТ ЗАНЖИРЛАРИГА ОИД АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ŠОИДАЛАР

II кисм. ЧИЗИŠЛИ ЭЛЕКТР ЗАНЖИРЛАР НАЗАРИЯСИ.

III кисм. НОЧИЗИŠЛИ ЭЛЕКТР ВА МАГНИТ ЗАНЖИРЛАР НАЗАРИЯСИ.

IY кисм. ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОН НАЗАРИЯСИ.

I ŠИCM.

ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОН ХАМДА ЭЛЕКТР ВА МАГНИТ ЗАНЖИРЛАРИГА ОИД АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ŠОИДАЛАР

I БОБ.
ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОН ВА УНИНГ ЌУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Электр майдони (šисšача тавсиф)

Физикадан маълумки, ќар šандай электр ва магнит ќодисалари электр ва магнит майдонларида содир бœлади.

Энг содда мисолларда кœрганда, электр кучлари деб, икки заряд (ёки бир неча зарядлар) œртасида ќосил бœладиган кучларни тушунамиз. Бу кучлар механикавий кучларга œхшаб, œзаро таъсир этувчи зарядлар миšдорига тœђри пропорционал ва улар орасидаги масофанинг квадратига тескари



1.1- расм

пропорционал бœлади (Кулон šонуни).

Узаро тортишувчи F_{12} ва F_{21}, F_{13} ва F_{31} кучлари тескари ишорали зарядларни, яъни q_1 билан q_2 ни ва q_1 билан q_3 ни бир-бирига яšинлаштиришга интилади. Ўзаро тарšалиш кучлари F_{23} ва F_{32} эса бир хил ишорали q_2 ва q_3 зарядларни бир-биридан узоšлаштиришга интилади. Бу кучлар тегишлича - KL, MN ва ST чизиšлари бœйлаб йœналган бœлади. Кучларнинг œзаро F_{12} =-F_{21} , F_{23} =-F_{32} ва F_{31} =-F_{13} бœлганини ќисобга олсак, уларни фаšат абсолют šийматларига мурожаат šилсак ќам бœлади. Шундай šилиб, Кулон šонунига асосланиб, ёзамиз:

$$F_{12} = F_{21} = \frac{q_1 q_2}{2\pi\varepsilon_a R_{12}^2}; \quad F_{23} = F_{32} = \frac{q_2 q_3}{2\pi\varepsilon_a R_{23}^2};$$

$$F_{31} = F_{13} = \frac{q_1 q_3}{2\pi\varepsilon_a R_{31}^2}.$$

Агарда зарядларни бирор фазо ичида ихтиёрий тартибда жойлашган деб ва уларнинг сонини ќам ихтиёрий деб олсак, уларнинг œзаро таъсири остида



1.2- расм

кœп томонга йœналган куч чизиšлари KL, MN, ST ва ќ.к. ќосил бœлиши аниšдир. Энди фараз šилайлик, q_1, q_2 ,......,q_n зарядлар жойлашган фазо, яъни электр майдон ичидаги бирор "а" нуšтада q_0 =1 заряд ќам жойлашган (1-2 расм). Бу шартли синов зарядни бирга тенг деб оламиз ва унинг миšдорини шунчалик кичик деб ќисоблаймизки, унинг q_1, q_2,...,q_n зарядлар билан œзаро таъсирланиши натижасида ќосил бœлган куч F_0 фаšат шу q_0 заряднигина ќаракатлантира олади. Яъни заряд q_0 бошšа зарядларни жойидан силжита олмайди деб тушунамиз. q_0 синов зарядга таъсир этувчи натижавий куч šуйидагича аниšланади:

$$\vec{F}_0 = \vec{F}_1 + \vec{F}_2 + \ldots \vec{F}_n \frac{q_1 q_0}{4\pi\varepsilon_a R_1^2} + \frac{q_2 q_0}{4\pi\varepsilon_a R_2^2} + \ldots + \frac{q_n q_0}{4\pi\varepsilon_a R_n^2}$$

яъни унинг йœналиши ва миšдори фазонинг šайси жойида манзил топишига бођлиš. Масалан, q_0 манзили а′ нуšта

бœлса, унга таъсир этувчи куч $\vec{F}_0{}'$ га тенг. Агар q_0 œз жой

ини а′ дан а″ га œзгартирса, унга таъсир этувчи куч $\vec{F}_0{}''$ га тенг бœлади (1-2-расм). Табиийки, $\vec{F}_0 \neq \vec{F}_0{}' \neq \vec{F}_0{}''$, чунки $R_1 \neq R_1' \neq R_1''$, $R_2 \neq R_2' \neq R_2''$ ва ќ.к. Демак, фазонинг ќар бир šисмида (участкасида, нуšтасида ва ќ.к.) заряд ќар хил ќолатда бœлиб, масофаларга бо□лиš œзгарувчан кучлар таъсирида бœлади. Агар энди ќар бир нуŝтадаги куч миšдорини ушб синов заряд q_0 га бœлган нисбатини олсак, у $\frac{\vec{F}_0}{q_0} = \vec{E}_0 = \sum_{m=1}^{m=n} \frac{q_m}{4\pi\varepsilon_a \vec{R}_m}$ бœлади. Бу ерда E_0 электр майдонининг кучланганлигини ифодалайди. Масалани соддалаштириш маšсадида q заряди ќосил šилган майдондаги R га тенг масофада жойлашган q_0 зарядга $\vec{F} = \frac{qq_0}{4\pi\varepsilon_a \vec{R}^2}$ кучи таъсир этаётган бœлса, майдон кучланганлиги $\vec{E}_0 = \frac{q}{4\pi\varepsilon_a \vec{R}^2}$ га тенг бœлади. Ифодадан кœриниб турибдики, q_1 асосий заряд q дан šанча узоšлашса, œшанча майдон кучланганлиги камайиб боради. Фаšатгина $R = \propto$ бœлгандагина $F_0 = E_0 = 0$ бœлади, яъни q_0 электр майдони таъсиридан чиšиб кетган бœлади.

Электр майдонини тавсифловчи параметрларнинг œлчов бирликларини šуйидагича ифодалаш лозим:

- заряд q [Кл] - Кулон; 1 Кл=1А 1с (Ампер секунд),
- диэлектрикнинг абсолют сингдирувчанлиги $\varepsilon_a = \varepsilon_r * \varepsilon_0$ [Ф/м] - Фарада tašсим метр,
- ростловчи масофа R [м] - метр,
- куч F [Ж/м] - Жоул tašсим метр,
- кучланганлик E [В/м] - Вольт tašсим метр.

1.2. Электр майдони кучлари ва улар бажарадиган иш. Электр потенциали

Юšорида кœриб чиšилган оддий электр майдонида (1.2- расм) бизнинг асосий диššатимиз электр куч чизиšлари ва майдон таъсирига тушган синов заряди q_o га берилган эди. Лекин биз бир нарсани ќисобга олмадикки, агар $\vec{F_0}$ кучи синов зарядини бир нуšтадан иккинчи нуšтага силжитса нима œзгаради? Табиийки, ќар šандай ќаракат иш бажариш билан бо□лиšдир. Бундан электр майдонидаги ќодисалар ќам бундан мустасно эмас. Фараз šилайлик, синов заряди q_o ”а“ нуšтадан “в“ нуšтага “m“ нуšта орšали олиб œтилади. Силжиш траекторияси а-m-В ни ќисобга олганда, биринчи босšич dl, куч $\bar{F}$, ёки кучланганлик $\bar{E}$ йœналишларига нисбатан α бурчак остидаги $\bar{F}_a$ томонга йœналган бœлади. Šисšача йœл бœлмиш $\Delta l = dl$ ни босиб œтган q_o заряд $\Delta A = F_a \Delta l = F \cos\alpha \cdot dl$ ишни бажаради (бу ерда $\Delta l = dl$). Агарда зарядни ”а” дан ”в”гача œтказишдаги электр майдон сарф šилган энергия ёки ишни тœла-тœкис ќисоблайдиган бœлсак, унда



1.3- расм

$$A = \int_a^b \vec{F} d\bar{l} \qquad (1.1)$$

(бу ерда F̅ ќар бир нуŠтада олинган куч вектори; $d\vec{l}$ - ќар бир бир босŠичда ќисобга олинган йœналишли масофа Šисми).

Бу ишнинг синов заряди миŠдорига нисбатан кœриб чиŠсак, унда

$$A/_q = \int_a^b \vec{E} d\vec{l}, \text{ ёки } A = \int_a^b \vec{E} d\vec{l} \quad (\text{чунки } q_o = 1)$$

(1.2)

Синов зарядининг траекториясини ”m” ёки ”n” нуŠталаридан œтишини ќисобга олинганда (1-2) œрнига

$$A = \int_a^m \vec{E} d\vec{l} + \int_m^b \vec{E} d\vec{l}, \text{ ёки } A = \int_a^n \vec{E} d\vec{l} + \int_n^b \vec{E} d\vec{l} \qquad (1.3)$$

яъни электр майдон томонидан бажарила диган иш икки нуŠта: ”a” ва ”b” œртасидаги йœл траекториясига (яъни унинг шакли ёки узунлигига) боЂлиŠ эмас. Масалан, электр майдон бирор q заряд туфайли ќосил бœлган бœлса ва шу манбага нисбатан ”a” нуŠта R_1 га ва ”b” нуŠта R_2 га тенг масофаларда жойлашган бœлса, q_o ни ”a” дан ”b” га кœчиришга сарфланган иш šуйидагига тенг бœлади:

$$A = \int_{R_1}^{R_2} \frac{qdR}{4\pi\varepsilon_a R_a^2} = \frac{q}{4\pi\varepsilon_a}\left|-\frac{1}{R}\right|_{R_1}^{R_2} = \frac{q}{4\pi\varepsilon_a}\left[\frac{1}{R_1} - \frac{1}{R_2}\right] \quad (1.4)$$

Кœриниб турибдики, заряд q_o манба q дан узоšлашганда ($R_2 > R_1$) бажариладиган иш, $A>0$. Агарда q_o ”b” дан ”a” га œтказиладиган бœлса:

$$A = \int_{R_2}^{R_1} \frac{q}{4\pi\varepsilon_a} dR = \frac{q}{4\pi\varepsilon_a}\left(\frac{1}{R_2} - \frac{1}{R_1}\right) < 0,$$

яъни бунинг учун манба кучига šарши йœналган ташšи куч (ёки энергия) сарфланиши керак. Айтилган фикр 1.3-расмдан ќам кœриниб турибдики: ”m” нуšтада кузатилаётган ќаракат $\vec{E}$ векторга нисбатан $\alpha_m > \pi/2$ бурчак остида бажарилаяпти, яъни $\Delta A = F \cos \alpha_m dl < 0$.

Юšорида келтирилган (1.1) - (1.4) ифодалардан келиб чиšадики, электр майдонида жойлашган ќар бир нуšта œзига хос потенциал энергиясига, ёки соддалаштирганда, п о т е н ц и а л га эга. Шунинг учун ќам (1.2) билан ифодаланган бирламчи (солиштирма) иш п о т е н ц и а л л а р ф а р š и деб аталади, яъни

$$\varphi_{ab} = \varphi_a - \varphi_b = \int_a^b \vec{E}d\vec{l} \qquad (1.5)$$

Кœриниб турибдики, агар q_o ”b” дан ”a” га šайтариладиган бœлса (1.3-расм) бажариладиган иш ёки потенциаллар фарšи $\varphi_{ba} = \varphi_a - \varphi_b = \int_a^b \vec{E}d\vec{l}$; яъни у (1.5) дагига тенг, аммо тескари ишорада бœлади. Бошšача šилиб айтганда $\varphi_{ab} + \varphi_{ba} = 0$, яъни синов заряди q_o ”a“ нуšтадан чиšиб, ќар šандай траекторияли йœл босиб яна шу нуšтага šайтиб келса, у бажарган иш нолга тенг бœлади.



1.4-расм

Аммо потенциаллар фарšидан (яъни φ_a - φ_b дан) уларнинг мутлоš šийматини билиб бœлмайди, чунки майдондаги ихтиёрий равишда олинган ќар šандай икки нуšта q ва S ќам бир хил фарšša эга бœлиши мумкин: $\varphi_q - \varphi_s = \varphi_a - \varphi_d$, лекин $\varphi_q \neq \varphi_a$ ва $\varphi_q \neq \varphi_b$. Иккинчи томондан, электр майдонининг таъсир этиш чегаралари чекланган бœлмайди: масалан, яккаланган q манбанинг q_o га нисбатан таъсир кучи $\vec{F}_0$ фašатгина R= $\propto$ да нолга тенг бœлади. Бу албатта, назарий šараганда шундай; амалда эса ќар šандай кучли заряд ќам чексиз ёйилган майдонга эга бœлолмайди. Шунга šарамай, бирор аниš нуšта “к“ учун майдон потенциали назария асосида топилгани маъšул деб биламиз. Фараз šилайлик, шу нуšтадан q_o заряд манбага нисбатан чексиз масофага олиб чиšилади. Унда майдон бажарган иш

$$A = \varphi_k - \varphi_\infty = \int_{R_k}^{\infty} \frac{qdR}{4\pi\varepsilon_a R^2} = \frac{q}{4\pi\varepsilon_a}\left[\frac{1}{R_k} - \frac{1}{\infty}\right] = \varphi_k$$

Яъни манба q дан тœ□ри чизиšли масофаси R_k бœлган “к“ нуšтанинг потенциали

$$\varphi_k = \int_{R_k}^{\infty} \vec{E}d\vec{e} = \int_{R_k}^{\infty} \frac{qdR}{4\pi\varepsilon_a R^2} = \frac{q}{4\pi\varepsilon_a R_k}.$$

Потенциал ёки икки потенциал фарšи œлчам бирлиги Вольт (В).

1.3. Магнит майдони ва унинг хусусиятлари



1.5- расм

Табиатда шундай моддалар ќам учрайдики, улар œз атрофида фašат œзига хос бœлган к у ч л а р м а й д о н и н и ќосил šилади. Бу кучлар худди шундай бошšа кучлар майдонига еки œхшаш кучлар майдонига нисбатан механик куч билан таьсир эта олади. Бундай кучлар манбаи бœлмиш моддалар магнит деб аталади. Энг оддий магнит 1.5-расмда кœрсатилган. Унинг куч чизиšлари шимол (Ш) šутбидан чиšиб, жануб (Ж) šутбига кирган бœлади. Электр заряд ќосил šилган электр майдондан магнит майдони шу билан фарšланадики, заряднинг ишорасига šараб, электр куч чизиšлари ёки заряддан тарšалган, ёки унга йиђилиб келган бœлади. Магнит куч чизиšлари эса манбанинг бир šисмидан тарšалиб, иккинчи šисмига тœпланади, яъни улар узлуксиздир. Магнитнинг икки šутбга бœлиниши ќам шартлидир: алоќида шимол ва алоќида жануб šутблар мавжуд бœла олмайди. Магнитни šанча парчаламанг, барибир ќар šандай бœлими яна бир бора икки šутбдан иборат бœлиб šолаверади. Магнит майдонининг таъсир кучини икки усул билан синаш мумкин. Биринчиси, майдон таъсирида бирор синов магнит массаси m_M, ёки компас стрелкаси ќаракатга тушади (1.5-расм). Бу ќаракат куч чизиšлар бœйлаб ќосил бœлади. Ќар бир нуšтадаги куч вектори $\vec{F}$ ва уни ќосил šилувчи магнит индукция $\vec{B}$ нинг йœналишини кœрсатувчи восита сифатида компас стрелкаси ишлатилиши мумкин.

Иккинчиси, агар майдон ичига электр токли сим киритилса, асосий магнит майдони ва šœшимча (ток ќосил šилган) майдон œртасидаги œзаро таъсир кучини кузатиш мумкин (1.6-а,б,в расм). Шимол šутбидан чиšиб жануб šутбига йœналган ва $\vec{B}$ индукцияга эга бœлган асосий магнит куч чизиšлари майдонидан жой олган сим ичидан ток і œтаётган бœлса, унинг атрофида ќосил бœладиган $\vec{B}$ индукцияли šœшимча магнит майдони асосий магнит майдони билан œзаро ќаракатга тушади. 1.6.а-расмдан кœриниб турибдики, симнинг чап томонида $B_м$ ва B_i магнит индукциялари бир-бирига šарши йœналган



1.6- расм

бœлса, симнинг œнг томонида улар бир-бирига мос тушган. Натижада симнинг œнг томонида йиђинди магнит куч чизиšлари зичланади, чап томонида эса - сийраклашади. œз навбатида магнит майдони œз шаклининг бузилишига šаршилик кœрсатади ва куч чизиšлари энг šисšа йœл орšали бир šутбдан иккинчи šутбга œтишга интилгани туфайли “бегона“ магнит объект сиšиб чиšарила бошлайди: токли сим œнгдан чапга ќаракатланади. Туртиб чиšариш $\vec{F}$ кучининг йœналиши ва катталиги симдаги ток і нинг кучи ва йœналишига бођлиš. Кучнинг йœналиши тœђрисидаги хулоса 1.6-“б“ва“в“-расмлардан яššол кœриниб турибди. Расмлар œртасидаги доирачалар симнинг кœндаланг кесимини ифодаласа, уларнинг ичидаги белгилар - токнинг йœналишини белгилайди. Агар ток биздан расм “ичига“ оšаётган бœлса, уни $\oplus$, яъни найзанинг думи шаклида, агар у расм “ичидан“ бизга šараб оšаётган бœлса, уни $\bullet$ яъни найзанинг учи шаклида тасвирлаш одатга айланган. Шу ќолда ток атрофида ќосил бœладиган œз магнит куч чизиšлари тегишлича соат милига мос (1.6-б расм) ва тескари (1.6-в расм) йœналишда œралган бœлади. Шунинг учун биринчи расмда майдондан токли симни чиšариб ташловчи куч $\vec{F}$ чапга, иккинчи расмда эса œнгга йœналган бœлади.

1.4. Магнит оšим, магнит индукция ва магнит майдонининг кучланганлиги

Юšорида кœриб чиšилган магнит хусусиятларини чуšурроš œрганиш кœзда тутиладиган бœлса, албатта, биринчи навбатда магнит майдонининг асосий кœрсаткичларини, яъни уни тœла-тœкис тавсифлайдиган магнит катталикларини œрганишимиз шарт. Булар эса - магнит оšим Ф, магнит индукция вектори $\vec{B}$ ва магнит майдонининг кучланганлиги вектори $\vec{H}$дир. Фараз šилайлик, оддий магнит



1.7-расм

майдонини бир œрамли симдан œтаётган ток i ќосил šилган (1.7-расм). Назарияга асосланганда бу магнит майдон фазода чексиз жойлашган бœлади. Амалда эса ќар šандай катта ток i ќам бир неча метрдан узоšša тарšалмаган магнит майдонини ќосил šила олади холос. Шундай экан, токнинг магнит майдони асосан ток œтаётган симга яšин масофада таъсир этади ва унинг куч чизиšлари токли сим яšинида зичроš ва аксинча, ундан йироšда сийрак бœлади. Айни шу кœрсаткич, яъни магнит куч чизиšларининг бирор жуда кичик ва йœналган кесим $d\vec{s}$ ичидаги зичлиги магнит индукциясининг миšдорини билдиради. Умуман олганда иккита ёнма-ён олинган куч чизиšлари ќам бир йœналишда бœлмайдилар, шунинг учун магнит майдонининг таъсир кучининг йœналишини индукция билан бођлар эканмиз, кесимини йўналган деб олганимиз маъšул. Ушбу нуŝтаи назардан šараганда, S га тенг бœлган ихтиёрий юзадан œтаётган индукция векторлари тœплами $\int\limits_{s} \vec{B}d\vec{s} = \Phi$ "магнит индукция векторларининг оšими", ёки šисšароš айтганда, "<u>магнит оšими</u>" деб аталади. Магнит оšими веберда œлчанади: 1Вб = 1В·1с, ёки Вольт-секунд. Магнит оšимини тасаввур šилишда 1.7-расмдан фойдаланиб, токли сим œрамининг ичида жойлашган юза s ни олиш мумкин: шу ќалšасимон тешикка пастдан кириб тепадан чиšиб кетаётган барча куч чизиšлар тœпламини "<u>магнит оšими</u>" дейиш мумкин. Кœриниб турибдики, ќамма куч чизиšлари ќалšанинг тепа šисмида атроф фазога тарšалаётган бœлса, улар шу ќалšанинг паст томонида šайтадан йиђилади. Яъни магнит куч чизиšлари у з л у к с и з д и р: улар ќеч šаердан бошланмайди ва ќеч šаерда тамом бœлмайдилар. Математика нуšтаи назаридан šаралганда, магнит куч чизиšларининг узлуксизлигини $\oint_s \vec{B}d\vec{s} = 0$. тенглама билан ифодалаш мумкин:

Яъни кесимдан кесимга œтиб, берк контур бœйлаб магнит оšимини кузатиб чиšсак, унинг интеграли (йиђиндиси) нолга тенг бœлади. Буни 1.7-расмда белгиланган S_1 ва S_2 кесимли магнит куч чизиšлари ичидан œтган магнит оšимининг шаклидан ќам хулоса šилса бœлади, чунки S_1 га кирган оšим S_2 дан чиšиб кетяпти. Энди худди шу расмдаги пунктир билан кœрсатилган ва узунлиги l га тенг бœлган магнит куч чизиђини кœриб чиšайлик. Фараз šилайлик, бу ђилдираксимон берк эгри чизиš кœп томонли кœпбурчакдан ташкил топган бœлсин. Унда ќар бир томоннинг узунлигини Δl деб олсак, берк айланани ќосил šилган магнит куч чизиђини $\oint_l \vec{B}d\vec{l} = Bl$, га тенг деб ќисобласак ќам бœлади (бу ерда $\Delta l \cong dl \to 0$). Бу интеграл магнит оšимига œхшаш скаляр миšдорга эга, яъни $\oint_l \vec{B}d\vec{l} = Bl$ чунки айлана бœйлаб олинган берк йœлнинг ќар бир нуšтасида индукция векторининг модули œзгармас деб ќисобланган. Бу куч чизиђининг таъсир миšдорини тавсифлашда уни ќосил šилган ток кучи i ва магнит майдонидаги мухит хусусияти билан бођлаш табиийдир. Жуда кœп тажрибаларда кœрилганига биноан ќaшиšатдан ќам $Bl = \mu i$ (1.7-расм учун). Агар магнит майдон w-œрамли ђалтакда ташкил топган бœлса, унда $Bl = \mu wi$ еки $\vec{B} = \mu \frac{wi}{l} = \mu \vec{H}$. Бу ерда: $H = \frac{wi}{l}$ - м а г н и т м а й д о н и н и н г к у ч л а н г а н л и г и ва μ м а г н и т с и н г д и р у в ч а н л и г и деб аталади.

Ўлчов бирликларига œтаётган бœлсак ва $B = \frac{d\Phi}{dS}$ ни ќисобга олсак, индукция - бу магнит майдонининг аниš нуšтасидаги зичлиги - в е б е р т а š с и м м е т р к в а д р а т , ёки т е с л а да œлчанади (1 Тл=1Вб/м^2). Магнит майдонининг кучланганлиги эса а м п е р т а š с и м м е т р д а œлчанади (А/м). Бундан куринадики, магнит сингдирувчанлиги μ œлчов бирлиги šуйидагича топилади:

$$\frac{Тл}{А/м} = \frac{В \cdot с \cdot м}{м^2 \cdot А} = \frac{Ом \cdot с}{м} = \frac{Г}{м}$$ (генри/метр).

Магнит майдонининг характеристикаларини таърифлашни тугатишдан олдин яна бир марта шуни эслатиш лозимки, умумий тарзда олинган майдоннинг ихтиёрий нуšтасидаги магнит индукция ва кучланганлик вектор миšдорлардир. Улар орасидаги бођланиш ќам $\vec{B} = \mu\vec{H}$ деб ёзилиши шарт.

1-5. Магнит майдонидаги ќаракатланувчи электр заряд. Лоренц кучи

Агар бирор œзгармас магнит майдон мавжуд бœлган фазода ихтиёрий миšдордаги q заряд жойлашган бœлса ва у ќаракатда бœлмаса, магнит майдони унга ќеч šандай таъсир кœрсатмайди. Аммо шу зарядни бирор ташšи куч $\vec{f}_1 = q\vec{E}$ (масалан, электр кучланганлиги $\vec{E}$ га тенг бœлган электр майдони) $\vec{V}$ тезликда ќаракатлантирадиган бœлса, унда магнит майдони ќам зарядга šœшимча $\vec{f}_2$ куч билан таъсир šила бошлайди.

Агар магнит майдони индукция вектори $\vec{B}$ 1.8-а расмда кœрсатилгандек заряд ќаракатланаётган тезлик $\vec{v}$ (ёки куч $\vec{f}_1$) йœналишига перпендикуляр йœналган



а) б)

1.8- расм

бœлса, магнит майдон таъсир кœрсатаётган куч $\vec{f}_2 = q[\vec{V}\vec{B}]$ максимал šийматга эга бœлади ва œз навбатида $\vec{B}$ га ќам, $\vec{V}$ га ќам перпендикуляр йœналган бœлади. Умумий ќолатда тезлик $\vec{V}$ вектори индукция вектори $\vec{B}$ жойлашган чизиš N билан ихтиёрий $\alpha \neq 90^0$ бурчагини ташкил этиши мумкин (1.8-б расм): унда магнит майдонининг таъсир этувчи кучининг вектори $\vec{f}_2 = q|\vec{V}\vec{B}|$, унинг модули эса $f_2 = qv_{t*}B = qvBSin\alpha$. Яъни заряд ќаракатининг йœналиши N чизиš йœналишига яšинлашган сари магнит кучи f_2 камайиб, нолга интила бошлайди, 1.8- а ва б расмдан кœриниб турибдики, куч вектори $\vec{f}_2$ šандай катта бœлмасин, у $\vec{B}$ ва $\vec{V}$ векторлар ётган текисликка нисбатан ќамма ваšт перпендикуляр бœлгани туфайли заряд тезлиги $\vec{v}$ ни œзгартира олмайди. Бу куч фаšат q заряд ќаракатланаётган траекториясини œзгартиради холос. Шунинг учун ќам зарядни ќаракатлантирувчи электр майдон кучи $\vec{f}_1$ билан магнит майдонининг таъсир кучи $\vec{f}_2$ нинг йиindиндиси $\vec{f} = \vec{f}_1 + \vec{f}_2 = q(E + \vec{V}B)$ - Лоренц кучи, деб аталади. Яна бир бор эслатамизки, магнит майдон таъсири f_2 фаšатгина ќаракатда бœлган заряд учун мавжуддир; ундан ташšари худди шу йœналиш ва тезлик билан мазкур магнит майдонида манфий заряд ќаракатланса, унга таъсир этувчи магнит кучи f_2 тескари йœналишда ќосил бœлади. Лоренц кучи тенгламасидан яна бир šизиš хулосага келиш мумкин: агар магнит кучининг модули $f_2 = qvB$ бœладиган бœлса, демак магнит индукцияси

$$B = \frac{f_2}{qv}$$

Демак, индукцияга 1.1-да берилган тавсифни šуйидагича тœлдириш мумкин: магнит индукцияси магнит майдонини тавсифловчи шундай вектор катталикки, у магнит таъсир кучининг заряди ва унинг ќаракат тезлиги кœпайтмасига бœлган миšдорий нисбатини кœрсатади.



1.9- расм

Кœриб чиšилган Лоренц тенгламасидан яна бир муќим хулоса чиšариш мумкин. Фараз šилайликки, бир текис ќаракатда бœлган заряд q бирор ваšт мобайнида šандайдир электр симидан œтиб бораяпди (1.9-расм). Демак, œзгармас ток учун заряд миšдори $q=I\cdot t$ бœлса, иккинчи томондан ушбу заряд электр симининг l га тенг бœлган šисмини шу t ваšт ичида œтган деб олсак, ќам бœлади, яъни $l = v\cdot t$. У ќолда

$f_2 = qvB$ œрнига: $f_2 = I \cdot t \cdot \frac{l}{t} \cdot B = BIl$ деб ёзиш мумкин. Бу ифода эса - œзгармас ток I œтказаётган ва l узунликка эга бœлган электр сими B индукцияли магнит майдонига жойлаштирилганда, у магнит майдони томонидан F=BIl миš-дорга эга механик куч таъсири остида бœлишлигини кœрсатади.

Œлчов бирлигига œтсак,

$$|\mathrm{F}| = |\mathrm{B} \cdot \mathrm{I} \cdot \mathrm{l}| = \left[\frac{Вб}{м^2} \cdot А\,м\right] = \left[\frac{в \cdot с}{м} А\right] = \left[\frac{Жоул}{метр}\right] = [Ньютон]$$

1.6. Электромагнит индукция ќодисаси (šонунияти)

Бу муќим электромагнит ќодиса магнит майдонида ќаракатланган электр œтказгичда (симда) э.ю.к. ќосил бœлишини намойиш šилади ва биринчи марта М.Фарадей томонидан 1831 йилда тажриба асосида исботланган. Юšорида кœриб чиšилган Лоренц кучларини ќисобга олган ќолда 1.10-расмда кœрсатилган ќолатни œрганайлик. Фараз šилайлик, бирор œзгармас магнитнинг юšори томонида жойлашган N - шимол šутби Ф магнит оšимини ќосил šилади. Демак, магнит šутби яšинидаги нуšталарда индукция вектори $\vec{B}$ тик тепага йœналган бœлади. Энди оšим Ф таркибидаги магнит куч чизиšларини кœндаланг йœналишда рамка (тœртбурчакли берк сим ќалšа) $\vec{v}$ тезликда кесиб œтсин. Биз биламизки, рамка металлдан ишланганлиги туфайли унинг ички таркибидаги эркин электронлар ќисобига q_0 заряд жой олади ва у рамка билан $\vec{v}$ тезликда магнит майдонида ќаракатда бœлади. Унга тегишли Лоренц кучи $f_2 = q_0\left[\vec{v}\vec{B}\right]$ га тенг бœлади. Аммо бу ќодисани кузатувчи рамка билан бир хил тезликда ќаракатда бœлса, унга мазкур куч $f_2 = q_0\left[\vec{v}\vec{B}\right]$ бœлиб, гœё кучланганлиги $\vec{E}_0$ га тенг бœлган ташšи электр майдон таъсирида ќосил бœлгандек туюлади.

Шунинг учун ќам харакатдаги рамканинг кучланганлиги $\vec{E}_0 = \left[\vec{v}\vec{B}\right]$ бœлган электр майдон таъсирида деб ќисоблаш мумкин.

Энди Δt вašт ичида рамка Δx оралиђига сурилди дебќисобласак, унинг тезлиги $\vec{v} = \frac{\Delta\vec{x}}{\Delta t} \approx \frac{d\vec{x}}{dt}$ бœлиб чиšади ва ташšи сунъий электр майдон кучланганлиги $\vec{E}_0 = \left[\frac{d\vec{x}}{dt} * \vec{B}\right]$ бœлади. Иккинчи томондан, рамка сурилиш натижасида магнит куч чизиšлари кесиб œтаётган кесим $\Delta S = \Delta l' \cdot \Delta x$ миšдорига, магнит ošими эса $\Delta\Phi = B \cdot \Delta s$ миšдорига œзгаради. Магнит индукциясини ва рамка тезлигини конкрет йœналишга эга эканлигини, яъни вектор сон бœлганлигини ва $\Delta l \approx$

dl, $\Delta x \approx dx$, $\Delta\Phi \approx d\Phi$ ќамда тенгликларни ќисобга олсак, šуйидагини ёзиш мумкин:

$$d\Phi \approx \oint_s \vec{B} d\vec{S} = \oint_e \vec{B}\left[d\vec{x} d\vec{l}\right] = -\oint_e \left[d\vec{x}\vec{B}\right] d\vec{l} \qquad (*)$$

(Охирги ифодадаги ишора œзгариши вектор кœпайтмасидаги кœпайтирувчи векторлар œрни алмашгани ќисобига бœлди). Бу тengламанинг иккала томонини dt га бœлсак,



1.10-расм

$$\frac{d\Phi}{dt} = -\oint_e \left[\frac{d\vec{x}}{dt} * \vec{B}\right] d\vec{l} = -\oint_e E_0 d\vec{l}, \quad \text{ёки} \quad \oint_e \vec{E}_0 d\vec{l} = -\frac{d\Phi}{dt}$$

бœлади. Кœриниб турибдики, нолга тенг эмас ва 1.2. да берилган назарияга биноан мазкур ифодани потенциал тушунчасига тенглаштириб бœлмайди. Демак, бу рамкани магнит майдонидаги ќаракатлантирувчи куч эвазига унинг сими бœйлаб электр юритувчи куч ќосил бœлади:

$$e=\oint_{e}\vec{E}_0 d\vec{l}=-\frac{d\Phi}{dt} \qquad (**)$$

Магнит майдонида ќаракатланувчи ќар šандай œтказгич, унинг шакли ва берк занжир ќосил šилиш-šилмаслигидан šатъи-назар, бирор миšдорли э.ю.к.га эга бœлади. ќосил бœлган, ёки и н д у к ц и я л а н г а н э.ю.к. катталиги œтказгичнинг ќаракат тезлигига бођлиšдир. Масалан, 1.10-расмда кœрсатилган вазиятда э.ю.к. рамканинг фаšат “аг“ ва “бв“ šисмларида ќосил бœлади, чунки “аб“ ва “вг“ šисмлари магнит куч чизиšларини умуман кесиб œтмайди. Ваќоланки, “бв“ šисмида ќам э.ю.к. жуда кичик миšдорда, ёки мутлаšо нолга тенг бœлиб чиšиши мумкин; бу эса рамканинг узоš чеккаси магнит майдони билан суст равишда бођланганлигини кœрсатади.

Тенглама (**) дан кœриниб турибдики: œтказгич šанча катта тезлик билан магнит майдонини кесиб œтса, œшанча катта э.ю.к. ќосил бœлади: бир текис œзгармас тезликдаги ќаракат учун e=const, тœхтаб турган рамка учун e=0. Шуни ќам таъкидлаш лозимки, рамкани кесиб œтаётган магнит оšими Ф(t) ваšт мобайнида ошиб борса $\left(\frac{d\Phi}{dt} > 0\right)$, индукцияланган э.ю.к. абсолют šиймати нолдан катта бœлиб œзгариб туради, аммо унинг миšдори манфий бœлади. Агарда Ф(t) ваšт бœйлаб камайиб борса $\left(\frac{d\Phi}{dt} < 0\right)$, индукцияланган э.ю.к. мусбат миšдорларга эга бœлиб, œзгариб туради. Бу жуда муќим šонуниятнинг мазмуни шундан иборатки, магнит майдон ošимининг миšдорий œзгариши магнит энергиясининг рамка атрофида œзгаришини акс эттиради: магнит ošимининг зœрайиши магнит майдон энергиясини рамкага нисбатан кœпайишига олиб келадиган бœлса, унда ќосил бœлган э.ю.к. тескари йœналган бœлиб, энергетик мувозанатни саšлашга интилади. Магнит ošими камайиб борса $\left(\frac{d\Phi}{dt} < 0\right)$, ушбу э.ю.к. œз ишорасини œзгартириб уни олиб кирган энергиясини саšлаб šолишга ќаракат šилади.

Яна бир нарсани айтиб œтиш керакки, юšорида кœриб чиšилган ќодиса фаšатгина рамка ќаракатда бœлганда эмас, ваќоланки, жойидан šœзђалмас рамкага нисбатан œзгармас магнит (ёки токли рамка) ќаракатда бœлса ќам содир бœлаверади. Шундай ќолат ќам юз бериши мумкинки, œтказгич ёпиš контур (рамка) œзгарувчан ток ќосил šилган магнит майдонда ќаракатда бœлади. Натижада индукцияланган э.ю.к. иккита ташкил этувчидан таркиб топади, яъни:

$$e = -\frac{d\Phi}{dt} = -\frac{\partial \Phi}{\partial t} + \oint_e \left[\vec{v}\vec{B}\right] d\vec{l}$$

Бу ерда: (-∂Ф/∂t) šœзђалмас рамкадаги магнит майдонининг œзгариши: $\oint \left[\vec{v}\vec{B}\right] d\vec{l}$ - рамкани ќаракатда бœлгани ќисобига ќосил бœлган э.ю.к. šисмидир.

Энди (**) кœринишдаги тенгламага šайтиб келсак ва берк контурда пайдо бœлган э.ю.к.нинг мазкур занжирда ток i ќосил šилишини эътиборга олсак, ундаги œрин олган кучланиш $u = e = R \cdot i$ бœлиб чиšади. Бу ерда R - занжирнинг актив šаршилиги. Шундай šилиб,

$$Ri = -\frac{d\Phi}{dt}, \quad \text{ёки} \quad idt = -\frac{d\Phi}{R}, \quad \text{ёки} \quad dq = -\frac{d\Phi}{R}$$

Айнан шунга яšин шаклида, тœђрирођи $\Delta q = -\frac{\Delta \Phi}{R}$ кœринишда ушбу šонуният М.Фарадей томонидан аниšланган эди. Олим Ф тушунчасига бир неча магнит куч чизиšларининг ΔN œзгаришини тенглаштирган, яъни $e = -\frac{\Delta N}{\Delta t}$ деб баќо берган. Бу ифода билан электромагнит индукция šонуниятини тушунтиришда шу жойи šулайки, магнит майдонининг куч чизиšларини кесиб œтувчи œтказгич берк контурни ташкил этиши шарт эмас (масалан, $\vec{B}, \vec{v}$ ва $\vec{E}_0$ векторлари бир-бирига нисбатан перпендикуляр бœлгани туфайли $e_{a2}=vBl_{a2}$). Умумий ќолатда бир текис магнит майдонида v тезлик билан ќаракатланувчи ва l узунликка эга бœлган œтказгичлар учларида $e = vBl$ га тенг э.ю.к. ќосил бœлади. Унинг йœналишини œнг šœл šоидаси билан аниšласа бœлади.

Юšорида кœриб чиšилган назариядан шундай хулоса чиšариш мумкин: электр ва магнит майдонлари бир-биридан мутлašо айрим ќолатларда мавжуд бœла олмайдилар, улар œзаро бирлаштирувчи умумий электромагнит жараёнлар билан чамбарчас бођланганлар.

1.7. Илашган магнит ošим. Ўзиндукция ва œзароиндукция э.ю. кучлари

Маълумки, ќар šандай магнит майдонида магнит куч чизиšлари чекланган масофада тарšалган бœлиб, берк



1.11-расм

траекториялар бœйлаб жойлашган бœлади (1.7-расм). Мазкур майдоннинг ихтиёрий жойида œлчанган магнит оšими куч чизиšлар “тешиб“ œтаётган ва ихтиёрий равишда танлаб олинган кесим “S_k“ га бођлиšдир, яъни $\Phi_{sk} = \int \vec{B} d\vec{S}$. Аммо бир œрамли токли симни (контурни) магнит майдонининг манбаи деб олсак, тœла магнит оšимини $\Phi_{sk} = \int_s \vec{B}\vec{S}$ деб олишимиз шарт (бу ерда “S“ эслатилган токли контурнинг юзаси). Энди фараз šилайлик, токли сим бир неча œрамли ђалтак шаклида тузилган (1.11-а расм). Шу сабабли магнит куч чизиšлари йœлида ќар бир œрамга тегишли кесим “S“ бир неча маротаба учрайди. Ундан ташšари, магнит куч чизиšлари ќар хил траекториялардан œтгани туфайли айрим œрамларга нисбатан бошšа-бошšа зичликда кесиб œтган (шартли чизиšлар 1,2,...,7). Расмдан кœриниб турибдики, i токли кœп œрамли манбага ђалтакка нисбатан магнит ošимини Ф=BS деб олиб бœлмайди, чунки куч чизиšларининг сонини токка пропорционал деб ќисобласак, ќар бир янги œрам эвазига бу чизиšлар каррали кœпайиб бораяпти. Шундай šилиб, ќašиšий магнит ošими $\Phi_{\Sigma} = B\sum_{1}^{w} S_k$, ёки $\psi = \Phi_{\Sigma} = w\Phi = wBS$ (бу ерда w -œрамлар сони). Натижавий, ёки карраланган магнит ošими ψ=wФ и л а ш г а н м а г н и т o š и м и деб аталади. Оддий магнит ošими Ф деб, бир œрамга (масалан, œртадаги œрамга) тегишли куч чизиšлар йиђиндисини ќисоблаймиз. Агар магнит ošими йœлида махсус магнит œтказгич темир œзак жойлашган бœлса (1.11-б расм), w - œрамли ђалтакнинг ќар бир œрами деярли бир хил ošим Ф=BS билан илашган бœлади. Ђалтакка тегишли илашган магнит ošими учун олинган ψ =wФ ифода ќašиšатга янада яšинроš бœлади, чунки деярли ќамма магнит куч чизиšлари “S“ кесимли темир œзак ичида ихчам жойлашиб олади.

Юšорида (1.6) кœрсатилганидек, магнит оšими магнит куч чизиšлари зичлигини тавсифлайдиган кœрсаткичдир, яъни wФ=N. Шунинг учун илашган магнит оšими ψ=N=wФ ва унинг ваšт мобайнида ќар šандай œзгариши кœп œрамли контурда (ђалтакда) электромагнит индукция šонуниятига биноан šуйидаги миšдорли э.ю.к. ќосил šилади:

$$e=-\frac{dN}{dt}=-\frac{d\psi}{dt}=-w\frac{d\Phi}{dt} \qquad (*)$$

Илашган магнит оšими тœла-тœкис ђалтакдан œтаётган токка тœђри пропорционалдир, яъни ψ =Li. Пропорционаллик коэффициенти L - хусусий индуктивлик ёки тœђридан-тœђри индуктивлик деб аталади. Унинг œлчов бирлиги:

$$\left[L\right]=\frac{\left[\Psi\right]}{\left[i\right]}=\frac{B\mathbf{б}}{A}=\frac{B\cdot c}{A}=Om\cdot c=\mathbf{Г(генри)}$$

Индуктивлик магнит майдон ќосил šилувчи индуктив контурининг (ђалтакнинг) геометрик œлчовлари g ва магнит куч чизиšлари ёйилган муќитнинг магнит сингдирувчанлигига бођлиš, яъни L=f(g, μ). Шундай šилиб, илашган магнит оšими ваšт œзгариши натижасида ќосил бœладиган (индукцияланадиган) э.ю.к., яъни œзиндукция э.ю.к.

$$e=-\frac{d\Psi}{dt}=-\frac{d(Li)}{dt}=-L\frac{di}{dt} \qquad (**)$$

ќам ток i, ќам индуктивлик L œзгарувчанлиги ќисобига вужудга келиши мумкин. Агарда L=const бœлса $e=-L\frac{di}{dt}$ бœлади.

1.11-а расмда кœрсатилган магнит майдони атроф-мухитда шундай жойлашганки, унинг куч чизиšлари фаšат манба ролини œйновчи индуктив ђалтак œрамлари билан илашган. Лекин шундай ќам бœлиши мумкинки, магнит куч чизиšлари йœлида бошšа индуктив контури (ёки контурлар) жойлашган бœлади. Узга контурларнинг хусусий (œз манбаидан чиššан) токлари бœлиши ёки бœлмаслигидан šатъи назар, асосий магнит майдонининг куч чизиšлари œша контурларни кесиб œтиб, уларда э.ю.к. ќосил šилиши ќам мумкин. Мисол учун 1.12-а ва б расмда кœрсатилган магнит майдонларини кœриб чиšайлик. Агар œрамлар сони w_1 тенг бœлган индуктив ђалтакдан i_1 ток œтаётган бœлса, у ќосил šилган магнит куч чизиšлари 1.12-а расмда кœрсатилгандек, šисман w_2 ва w_3 œрамли иккинчи ва учинчи индуктив ђалтаклар билан илашган бœлади.

Табиийки, энг кœп куч чизišлари w_1 œрамли асосий ђалтак билан бођланган бœлади, чунки уларнинг талай šисми w_2 ва w_3 ђалтакларга етиб бормаслиги анišдир. Šандай бœлмасин, агар магнит майдони фašат i_1 токи туфайли ќосил бœлса, унда ђалтакларга илашган магнит ošимларининг миšдори šуйидагича анišланади:

биринчи контур учун $\psi_{11} = L_{11}\ i_1$

иккинчи контур учун $\psi_{21} = M_{21}\ i_1$

учинчи контур учун $\psi_{31} = M_{31}\ i_1$ ва ќ.к.

Бу ерда: ψ_{11}, ψ_{21} ва ψ_{31} - тегишли контурга илашган магнит ošими, L_{11} - биринчи контурнинг (ђалтакнинг) индуктивлиги, M_{21} ва M_{31} - тегишлича биринчи ва иккинчи, ќамда биринчи ва учинчи





1.12- расм

ђалтаклар орасидаги œ з а р о   и н д у к т и в л и к л а р и . Иккинчи ва учинчи контурлардаги токлар нолга тенг бœлса ќам ($i_2=i_3=0$), мазкур ђалтакларда œзаро индукция э.ю.к.лар ќосил бœлади:

$$e_{2м} = -\frac{d\Psi_{21}}{dt} = -M_{21}\frac{di_1}{dt}, \qquad (***)$$
$$e_{3м} = -\frac{d\Psi_{31}}{dt} = -M_{31}\frac{di_1}{dt},$$

Агар (*), (**) ва (***) ифодаларда келтирилган э.ю.к.ларнинг (-) (минус) ишорасини тушунтиришга œтсак, бу Э.Х.Ленц очган муќим šонуният, яъни э л е к т р о м а г н и т   и н е р ц и я šонунияти билан бођлангандир. Яъни ќар šандай индукцияланган э.ю.к. œз контурида шундай ток ќосил šиладики, унинг ќаракати бошšа магнит оšимининг œзгаришига šарама-šарши йœналган бœлади: оšим кœпайишига интилса, индукцияланган ток уни сусайтиришга ќаракат šилади, оšим камайишига интилса, мазкур ток уни эски миšдорда саšлаб šолишга ќаракат šилади.

Œзаро индукцияланиб ќосил бœладиган э.ю.к.ларни таърифлашда шуни ќам айтиб œтиш лозимки, бу ќодиса электр энергиясини магнит майдон воситасида узатишда œта муќим роль œйнайди. 1.12-б расмда œзаро индуктив бођланган w_1 ва w_2

3.6-расмда келтирилган вектор диаграмма i_1, i_2 ва i_3 токларнинг t=0 ваšтда олинган амплитуда ва фаза нисбатларининг геометрик ифодаси бœлади. Ваšт œзгариши билан бу токларнинг фазалари бир хилдаги ωt бурчакка ортиб боради. Бу эса уччала векторларнинг +I œšša нисбатан соат стрелкасига тескари йœналишда бир ваšтда ωt бурчакка бурилишига тенг. Бошšача šилиб айтганда, токларнинг ваšт бœйича ќаракатини бурчак частотага тенг ω бурчак тезлик билан айланаётган векторларнинг даврий функцияси тарзида ифодалаш мумкин. Ток векторлари ќаракат траекториясининг проекциясини

i œšša i (t) [ёки i (ωt)] эгри чизišлар тарзида тушириб, синусоидал миšдорларни айланувчи векторлар билан алмаштириш мумкинлигига тœла ишонч ќосил šиламиз (масалан, К нуšтадан К′ нуšтагача œтишни кœринг). Демак, синусоидал э.ю.к. кучланиш ва токлар (сонидан šатъи назар) устида ќар šандай алгебраик амалларни (уларни берилган шартли векторлар билан алмаштириб) бажариш мумкин. Векторларга œтишда šуйидаги шарт ва šоидаларни доимо ёдда тутиш керак:

1. Векторларга фašат бир хил ω частотали синусоидал миšдорлар бœлгандагина œтиш мумкин.

2. Ифодаловчи векторлар назарий механикадаги каби фазовий векторлар бœлмасдан, вašт бœйича œзгарадиган векторлардир. Уларнинг модуллари тегишлича амплитудавий миšдорларни ифодаласа, йœналишлари орасидаги бурчаклар берилган синусоидал миšдорларнинг (вašт бœйича) фазавий силжишини ифодалайди. Масалан фаза П/2 ни ташкил этса, œзгарувчи миšдорлар Т/4 даврга силжиганини билдиради.

3. Векторли ифодага t=0 да œтилади, барча тегишли ќисоблашларни ω частотани ќисобгa олмасдан бажариш мумкин; чунки ќар šандай t ≠ 0 да векторларнинг œзаро жойланиши œзгармайди (3.6-расм, ωt =ωt фазадаги ќолатни кœринг).

3.5. Резистор, индуктив ђалтак ва конденсатор кетма-кет уланган занжирдаги турђун (œрнашган) ток

Параметрлари R,L ва C бœлган ва кетма-кет уланган оддий занжир $u = U_m \sin(\omega t + \psi_u)$ синусоидал кучланиш манбаига уланган деб фараз šилайлик (3.7-расм). Бу кучланиш туфайли занжирдан $i = I_m \sin(\omega t + \psi_i)$ ток œта бошлайди.

Занжир параметрлари чизиšли бœлганлиги туфайли ток синусоидал šонун бœйича œзгаради. Умуман олганда, бу токнинг фазаси манба кучланиши фазасига нисбатан $\varphi = \psi_u - \psi_i$ бурчакка силжиган бœлиши мумкин. Бу бурчак с и л ж и ш б у р ч а г и φ деб аталади. Ќисоб-лашни соддалаштириш маšсадида $\psi_i = 0$ (ёки $\psi_u = \varphi$) деб оламиз. У ќолда занжирдаги токнинг амплитудасини ва занжир элементларидаги (šисмаларидаги) оний кучланишларни аниšлаш осонлашади. Кирхгофнинг иккинчи šонунига кœра



3.7- расм

$u_R + u_L + u_C = u$ ёки

$$Ri + L\frac{di}{dt} + \frac{1}{C}\int idt = U_m Sin(\omega$$

(3.12)

бунда: u_R - резистор R даги кучланишнинг пасайиши; u_L ђалтак L нинг šисмаларидаги кучланиш; u_C - конденсатор C нинг šопламаларидаги кучланиш. (3.12) тенгликда $i = I_m \sin\omega t$ деб олинса, šуйидаги келиб чиšади:

$$RI_m \sin\omega t + \omega LI_m \cos\omega t - \frac{I_m}{\omega C}\cos\omega t = U_m \sin(\omega t + \varphi) =$$

$$= U_m \cos\varphi \cdot \sin\omega t + U_m \sin\varphi \cdot \cos\omega t \qquad (3.13)$$

(3.13)тенгликнинг чап ва œнг šисмаларидаги синусли ва косинусли ташкил этувчиларни бир-бирига тенглаштирсак,

$$\left.\begin{array}{l} RI_m = U_m \cos\varphi \\ \left(\omega L - \dfrac{1}{\omega C}\right) I_m = U_m \sin\varphi \end{array}\right\} \qquad (3.14)$$

бœлади. (3.14) даги φ бурчакни йœš šилиш маšсадида уни квадратга оширсак ва šœшсак šуйидагини ќосил šиламиз:

$$I_m^2\left[R^2+(\omega L-\frac{1}{\omega C})^2\right]=U_m^2$$

ёки

$$I_m=\frac{U_m}{\sqrt{R^2+(\omega L-\frac{1}{\omega C})^2}} \qquad (3.15)$$

Бу œзгарувчан токнинг амплитуда миšдори бœлиб, кетма-кет уланган занжир учун Ом šонунини ифодалайди. Эффектив šийматларга œтсак,

$$I=\frac{U}{\sqrt{R^2+(\omega L-\frac{1}{\omega C})^2}} \qquad (3.16)$$

бœлади. Илдиз остидаги ифода занжирнинг šаршилик бирлигида œлчанадиган тœла šаршилиги (Z) деб аталади:

$$Z=\sqrt{R^2(x_L-x_C)^2}=\sqrt{r^2+x^2} \qquad (3.17)$$

бунда: R - актив šаршилик (Ом); $x=(x_L - x_c)$ - занжирнинг реактив šаршилиги (Ом);$x_L = \omega L$ - ђалтакнинг индуктив šаршилиги (Ом); x_C =1/ωC -конденсаторнинг сиђим šаршилиги (Ом).

(3.14) дан кучланиш u билан ток i орасидаги фазавий силжиш бурчаги

$$\varphi = arctg\,\frac{\omega L - \dfrac{1}{\omega c}}{R} \qquad (3.18)$$

бœлади.

Шунингдек, (3.13) дан айрим R, L ва C элементлардаги оний кучланишларнинг šийматларини аниšлаш мумкин:

$$U_R = Ri = RI_m Sin\omega t = U_{Rm} * Sin\omega t \qquad (3.19)$$

$$u_L = L\frac{di}{dt} = \omega L I_m Cos\omega t = U_{L\max} Sin(\omega t + \frac{\pi}{2})$$

$$u = \frac{1}{C}\int idt = -\frac{I_m}{\omega C} Cos\omega t = U_{c\max} Sin(\omega t - \frac{\pi}{2})$$

(3.20)

Бу кучланишларнинг фазаларини ток i = I_m Sinωt нинг фазаси билан taššослаб, šуйидаги хулосага келиш мумкин. Резистордаги кучланиш фазаси ток фазаси билан мос тушади, индуктивлик ва сиђимдаги u_L , u_c кучланишлар эса у билан квадратурада бœлади.

Бунда индуктив кучланиш U_L токдан $\pi/2$ бурчакка (ёки ваšт бўйича Т/4 даврга) ўзиб боради, сиђим кучланиш U_C эса токдан $\pi/2$ бурчакка орšада šолади.

3.8-расмда ток ва кучланишларнинг эффектив миšдорлари учун вектор диаграммаси ва оний šийматлари учун эгри чизиšлар берилган.

Расмдан актив šаршилик R≠0 бўлганда занжир учун берилган кучланишнинг бошланђич фазаси $\psi_u = \varphi$ реактив элементлардаги кучланишларнинг нисбатига бођлиš бўлиши кўриниб турибди:

1) $U_L > U_C$ (ёки $X_L > X_C$) бўлганда, у мусбат ($\varphi > 0$) бўлиб, занжирдаги ток берилган кучланишдан φ бурчакка оршада шолади;

2) $U_L < U_C$ (ёки $X_L < X_C$) бўлганда, у манфий ($\varphi < 0$) бўлиб, занжирдаги ток берилган кучланишдан φ бурчакка ўзиб боради;

3) $U_L = U_C$ (ёки $X_L = X_C$) бўлганда, у нолга тенг ($\varphi = 0$) бўлиб, занжирдаги ток берилган кучланиш билан устма-уст тушади.

Биринчи ќолда занжир актив-индуктив, иккинчи ќолда актив-сиђим ва учинчи ќолда эса актив резонансли деб аталади. Резонансли ќолат кейинрош кўриб чишилади. Шундай шилиб φ бурчак $-\pi/2 \le \varphi \le \pi/2$ оралишда (чегарада) ўзгаради.

Энди (3.14), (3.17) ва (3.18) тенгламалар асосида актив R, индуктив X_L ва сиђим X_C шаршиликлар кетма-кет уланган занжир учун шуйидагиларни ёзиш мумкин:

$$\left.\begin{array}{l} U=\sqrt{U_R^2+U_X^2}=\sqrt{U_R^2+\left(U_L-U_C\right)^2}=Iz \\ U_L=IX_L; U_C=IX_C \;\textbf{ва}\quad U_x=IX=I(X_L-X_C) \\ U_R=U\cos\varphi; U_X=U\sin\varphi \quad \textbf{ва} \quad tg\varphi=\dfrac{U_X}{U_R} \end{array}\right\} \qquad (3.22)$$

(занжир шисмларидаги кучланишлар учун);

$$\left.\begin{aligned}
&Z=\sqrt{R^2+X^2}=\sqrt{R^2+\left(X_L-X_C\right)^2}=\sqrt{R^2+\left(\omega L-\frac{1}{\omega C}\right)^2}\\
&X_L=\omega L; X_C=\frac{1}{\omega C}\,ва\;X=X_L-X_C\\
&R=Z\cos\varphi; X=Z\sin\varphi ва\; tg\varphi=\frac{X}{R}
\end{aligned}\right\}(3.23)$$

(барча занжир ва элементларнинг šаршиликлари учун).

3.1-мисол. 3.7-расмдаги занжирга $u=160Sin\left(314t+\frac{\pi}{4}\right)$ кучланиш берилган. R = 20 Ом, L = 0,1 Г ва С = 48,4 мкФ; занжир элементларидаги ток ва кучланишларнинг оний šийматлари аниšлансин.

Е ч и ш: Занжирнинг индуктив, сиђим ва тўла šаршиликлари мос равишда šуйидагига тенг:

$$X_L=\omega L=314\cdot 0{,}1=31{,}4м,$$

$$X_C=\frac{1}{\omega C}=\frac{10^6}{314\cdot 48{,}4}=66м,$$

$$Z=\sqrt{R^2+(X_L-X_C)^2}=\sqrt{20^2+(31{,}4-66)^2}=40м.$$

Силжиш бурчаги

$$\varphi=arctg\frac{X_L-X_C}{R}=arctg\frac{-34{,}6}{20}=arctg\left(-\sqrt{3}\right)=-\frac{\pi}{3}$$

Демак, занжирдаги ток:

$$i=\frac{Um}{Z}Sin\left(314t+\frac{\pi}{4}-\varphi\right)=3Sin\left(314t+\frac{7}{12}\pi\right)$$

Занжир элементларидаги кучланишлар:

$$u_R = Ri = 80Sin\left(314t + \frac{7\pi}{12}\right)$$

$$u_L = I_m X_L Sin\left(314t + \frac{7\pi}{12} + \frac{\pi}{2}\right) = 125{,}6Sin\left(314t + \frac{13\pi}{12}\right)$$

$$u_C = I_m X_C \sin\left(314t + \frac{7\pi}{12} - \frac{\pi}{2}\right) = 264\sin\left(314t + \frac{\pi}{12}\right)$$

3.6. Резистор, индуктив ђалтак ва конденсатор параллел уланган занжирдаги ўрнашган ток

Актив ўтказувчанлиги g бўлган резистор индуктивлик L ва конденсатор C дан тузилган занжир $u = U_m \sin\omega t$ синусоидал кучланиш манбаига параллел уланган (3.9-расм). Кирхгофнинг биринчи šонунига биноан, айрим параллел тармоšлардаги токларнинг йиђиндиси манбадан келаётган токка, яъни i га тенг:

$$i_g + i_L + i_C = i \text{ ,}$$

бунда: i_g=gu резистордаги ток; $i_L = \frac{1}{L}\int udt$ индуктивлик L даги ток (чунки $u = Ldi/dt$); $i = Cdu/dt$ - сиђим C даги ток (чунки $u = \frac{1}{C}\int i \cdot dt$). Занжир параметрлари чизиšли бўлганлиги



3.9- расм

туфайли йиђинди ток i ќам берилган куч-ланиш каби сину-соидал бўлади, аммо ундан фаза бўйича φ бурчакка фарš šилади, яъни

$$i = I_m Sin(\omega t - \varphi).$$

(3.25)

$u = U_m \sin\omega t$ ни ќисобга олган ќолда (3.25) ни (3.24) га šўйиб, šуйидагини оламиз:

$$gU_m \sin\omega t - \frac{1}{\omega L} U_m \cos\omega t + \omega C U_m \cos\omega t = I_m \sin(\omega t - \varphi) =$$

$$= I_m \cos\varphi \cdot \sin\omega t - I_m \sin\varphi \cos\omega t \qquad (3.26)$$

(3.26) нинг чап ва ўнг šисмларидаги синусли ва косинусли ташкил этувчиларни бир-бирига тенглаштирсак,

$$\left.\begin{aligned} gU_m &= I_m Cos\varphi \\ \left(\frac{1}{\omega L} - \omega C\right) U_m &= I_m Sin\varphi \end{aligned}\right\} \qquad (3.27)$$

бўлади. (3.27) тенгламани квадратга кўтариб, сўнгра šўшсак, ундаги φ йўšолади:

$$\left[g^2 + \left(\frac{1}{\omega L} - \omega C\right)^2\right] U_m^2 = I_m^2$$

ёки

$$I_m = U_m \sqrt{g^2 + \left(\frac{1}{\omega L} - \omega C\right)^2} \qquad (3.28)$$

(3.28) нинг иккала томонини $\sqrt{2}$ га бўлганда

$$I = U \sqrt{g^2 + \left(\frac{1}{\omega L} - \omega C\right)^2} = U \cdot \gamma \qquad (3.29)$$

бўлади. Бу тенглама бутун занжир учун ток ва кучланишнинг эффектив šийматлари орасидаги боЂланишни ифодалайди ва синусоидал токнинг параллел занжири учун Ом šонунининг ифодаси бўлади:

$$\gamma = \frac{I}{U} = \sqrt{g^2 + \left(\frac{1}{\omega L} - \omega C\right)^2} = \sqrt{g^2 + b^2}. \qquad (3.30)$$

Олинган миšдор ўтказувчанлик ўлчами (1/Ом) билан ўлчанганлиги учун g, L ва C элементли параллел занжирнинг тўла ўтказувчанлиги деб аталади. Бунда $b = b_L - b_C = {}^{1}\!/_{\omega L} - \omega C$ реактив ўтказувчанлик бўлиб, ўз навбатида, индуктив $b_L = {}^{1}\!/_{\omega L}$ ва сиЂим $b_c = \omega C$ ўтказувчанликларига бўлинади.

(3.27) га биноан, фаза силжиши бурчаги:

$$\varphi = arctg\frac{b_L - b_C}{g} = arctg\frac{b}{g}$$

Занжирнинг айрим тармоšларидаги оний токлар:

$$i_g = gu = gU_m \sin\omega t = I_{gm}\sin\omega t \qquad (3.31)$$

$$i_L = \frac{1}{L}\int u dt = -\frac{U_m}{\omega L}\cos\omega t = I_{Lm}\sin\left(\omega t - \frac{\pi}{2}\right) \qquad (3.32)$$

$$i_C = C\frac{du}{dt} = \omega C U_m \cos\omega t = I_{Cm}\sin\left(\omega + \frac{\pi}{2}\right) \qquad (3.33)$$

Демак, резистордаги ток i_g занжирга берилган кучланиш билан фаза бўйича устма-уст тушади (йўналиши бир хил); индуктивликдаги ток i_L

кучланишдан $\pi/2$ бурчакка орқада қолади; сиғимдаги ток i_C эса ундан $\pi/2$ бурчакка ўзиб боради. 3.10-расмда занжир тармоқларидаги токларнинг вектор диаграммаси ва эгри чизиқлари берилган.



3.10-расм

Агар умумий ҳолда $g \neq 0$ бўлса, фаза силжиш бурчаги φ реактив токлар $I_L = 1/\omega LU$ ва $I_C = \omega CU$ нинг нисбатларига боғлиқ, яъни:

1) $I_L > I_C$ (ёки $b_L > b_C$) бўлганда $\varphi > 0$ бўлиб, бутун занжирдаги ток I берилган кучланиш U дан φ бурчакка орқада қолади;

2) $I_L < I_C$ (ёки $b_L < b_C$) бўлганда $\varphi < 0$ бўлиб, бутун занжирдаги ток I берилган кучланиш U дан φ бурчакка ўзиб боради;

3) $I_L = I_C$ (ёки $b_L = b_C$) бўлганда $\varphi = 0$ бўлиб, ток кучланиш U билан фаза бўйича устма-уст тушади.

Бу ќолларда занжир тегишлича актив-индуктив, актив-сиђим ва актив резонансли деб аталади. Резонанс ќолати кейинчалик алоќида кўриб кўриб чиšилади. Шундай šилиб, R, L ва C элементлари кетма-кет уланган занжирдаги каби g, L ва C элементлари параллел уланган занжирда ќам бурчак $-\frac{\pi}{2} \leq \varphi \leq \frac{\pi}{2}$ оралиђида ўзгаради.

3.10-а расмдаги вектор диаграммага кўра актив g, индуктив b_L ва сиђим b_C ўтказувчанликлар параллел уланган занжир токлар учун асосий нисбатлар šуйидагича ёзилади:

$$\left.\begin{array}{l} I = \sqrt{I_g^2 + I_b^2} = \sqrt{I_g^2 + (I_L - I_C)^2} = \gamma U \\ I_L = b_L U, \quad I_C = b_C U, \quad I_b = bU = (b_L - b_C)U \\ I_g = gU = I\cos\varphi; \quad I_b = bU = I\sin\varphi; \\ tg\varphi = I_b / I_g \end{array}\right\} \quad (3.34)$$

Ўтказувчанликлар учун эса:

$$\left.\begin{array}{l} Y = \sqrt{g^2 + b^2} = \sqrt{g^2 + (b_L - b_C)^2} = \sqrt{g^2 + \left(\dfrac{1}{\omega L} - \omega C\right)^2} \\ b_L = 1/\omega L, b_C = \omega C, b = b_L - b_C; g = YCos\varphi; b = YSin\varphi \end{array}\right\} \quad (3.35)$$

3.2-мисол. 3.9-расмдаги занжирга u=141Sin314t кучланиш берилган. Параметрлари g=0,04 1/Ом, L=0,01 Гн ва C=159 мкФ бўлган занжирнинг параллел тармоšларидаги I_g, I_L ва I_c токларнинг эффектив šийматлари ва бутун занжирдаги токнинг оний šиймати топилсин.

Ечиш: Занжирнинг индуктив b_L ва b_C ўтказувчанликлари турлича

$$b_L = \frac{1}{\omega L} = \frac{1}{314 \cdot 0{,}04} = 0{,}08,$$

$$b_C = \omega C = 314 \cdot 159 \cdot 10^{-6} = 0{,}05.$$

Занжир šисмаларидаги эффектив кучланиш:

$$U = \frac{U_m}{\sqrt{2}} = \frac{141}{\sqrt{2}} = 100\ B\,.$$

Тармоšлардаги эффектив токлар:

$$I_g = gU = 0{,}04 \cdot 100 = 4A,$$

$$I_L = b_L U = 0{,}08 \cdot 100 = 8A,$$

$$I_C = b_C U = 0{,}05 \cdot 100 = 5A.$$

Занжирнинг тармоšланмаган šисмидаги (умумий) ток

$$I = \sqrt{4^2 + (8-5)^2} = 5\ A,$$

кучланиш U ва ток I векторлари орасидаги фаза силжиши бурчаги:

$$\varphi = arctg\frac{b}{g} = arctg\frac{0{,}08 - 0{,}05}{0{,}04} = arctg\frac{3}{4} = 36^o 50'$$

Бутун занжирнинг оний токи (манбадан келаётган ток)

$$i = I_m \sin(314t - \varphi) = \sqrt{2} \cdot 5 \sin(314t - 36^o 50') = 7{,}07 \sin(314t - 36^o 50').$$

3.7. Занжирдаги синусоидал ўзгарувчан ток šуввати

Занжирга ќар šандай синусоидал ўзгарувчан ток i берилганда u кучланиш таъсирида t ваšтда

$$A = \int_0^t uidt$$

иш бажарилади. Бу иш миšдор жиќатидан кучланиш u, ток i ќамда ваšт t нинг кўпайтмаси билан аниšланади. Яъни, ишнинг интенсивлиги p=ui кўпайтмага бођлиš бўлиб, манбадан занжирга келаётган (истеъмол šилинаётган) šувватнинг оний šиймати деб аталади. Агар умумий ќолда

$u = U_m \sin \omega t$ ва $i = I_m \sin(\omega t - \varphi)$ бўлса,

$$p = U_m I_m \sin \omega t \cdot \sin(\omega t - \varphi) = \frac{1}{2} U_m I_m [\cos \varphi - \cos(2\omega t - \varphi)] =$$
$$= UI[\cos \varphi - \cos(2\omega t - \varphi)] \qquad (3.36)$$

бўлади, яъни оний šувват иккита ташкил этувчидан иборат бўлиб, улардан биринчиси ваšтга бођлиš бўлмай, иккинчиси ваšт (давр) ичила миšдор ва йўналиш бўйича иккиланган частота (2ω) билан ўзгарали. P>0 бўлганда занжир манбадан энергия šабул šилади. P<0 бўлганда эса šабул šилинган энергия манбага (šисман, ёки тўла) šайтарилади. Агар $-\pi/2 < \varphi < \pi/2$ бўлса, занжирга келаётган энергия šайтарилган энергиядан доимо ортиš бўлади. (3.36) дан кўриниб турибдики, фаšат $\varphi = \pm \pi/2$ ќолда бу улушлар бараварлашади: чунки $UI\cos\varphi = 0$ **ва** $p = \pm UI\sin 2\omega t.$

Шундай šилиб, манбадан келаётган энергия šуввати T давр ичида ўзининг ўртача šиймати атрофида ўзгаради. Бу šиймат сон жиќатидан šуйидагича аниšланади:

$$P = \frac{1}{T}\int_0^T pdt = \frac{UI}{T}\int_0^T \left[cos\varphi - \cos(2\omega t - \varphi)\right]dt = UI \cdot \cos\varphi$$ чунки

$$\int_0^T \cos(2\omega t - \varphi) \cdot dt = 0.$$

Яъни, šувватнинг ўртача šиймати:

$$P = UIcIc\,\varphi \qquad (3.37)$$

Бу šувват синусоидал ток занжирининг актив (ёки фойдали) šуввати деб аталади. СИ системасида актив šувват В а т т (Вт), киловат (кВт) ва мегаватт (Мвт) ќисобида ўлчанади (бу ерда 1 кВт = 10^3 Вт ва 1Мвт=10^6Вт). Šувват сон жиќатидан t ваšт бирлиги ичида электр энергиясининг бошšа тур (иссиšлик, механик, кимёвий ва ќ.к.) энергияларига айланиш интенсивлигини анишлайди. Кўпайтирувчи cosφ š у в в а т к о э ф ф и ц и е н т и деб аталади. Ўзгарувчан ток занжири энергия тўпловчи реактив L ва C элементларга эга бўлганлиги туфайли ќамма ваšт cosφ<1 (ёки P<UI) бўлади. Шунга кўра, ўзгармас ток занжиридан фарšли ўлароš, синусоидал ток занжирининг šуввати кўп ќолларда т ў л а š у в в а т деб аталадиган S=UI миšдордан кичик бўлади. Тўла šувват энергия šурилмаларни (электр машиналар, трансформаторлар, узатиш линиялари ва ќ.к. нинг) ишлатиш ваšтида кучланиш ва ток бўйича бера оладиган номинал šийматларини ифодалайди. Тўла šувват S СИ системасида вольтампер (ВА) (асосий бирлик), киловольтампер (кВА) ва мегавольтампер (мВА) ќисобида ўлчанади (1 кВА = 10^3 ВА, 1 мВА = 10^6 ВА). (3.37)-тенгламага биноан šувват коэффициенти cosφ тўла šувватдан фойдаланиш эффектининг мезони ќисобланади; чунки cosφ=1 бўлганда šувват S бутунлай иш бажариш учун сарф бўлади. Аксинча cosφ šанча кичик бўлса, бир хил миšдордаги ишни бажариш учун S нинг šийматини кўпроš šилиб олиш керак бўлади. Масалан, U=500 В кучланишда P=4,5 кВт бўлган актив šувватни таъминлаш учун тармоšдан истеъмол šилинадиган ток I тенг бўлиши керак:

cosφ=1 бўлганда I=9 А,

cosφ=0,9 бўлганда I=10 А,

cosφ=0,6 бўлганда I=15 А,

cosφ=0,5 бўлганда I=18 А ва ќ.к.

Шундай šилиб занжирдаги фойдали ишни токнинг фašат бир šисмигина, яъни I_g=I cosφ га тенг бўлган актив ташкил этувчиси бажаради. Токнинг реактив ташкил этувчиси I_b=Isinφ электр ва магнит майдонини ќосил šилиш учун сарф бўлиб, уларнинг энергияси L ва C элементларда даврий равишда йиђилиб, яна манбага šайтарилади. Шу сабабдан «реактив šувват» тушунчаси киритилиб, у сон жиќатидан šуйидагича šабул šилинган:

$$Q = UI\sin\varphi$$

Бу šувват СИ системасида реактив вольтампер (асосий бирлик), киловольтампер, мегавольтампер ќисобида ўлчанади. Кетма-кет ва паралел уланган занжирлар учун тузилган нисбатларга асосланиб šуйидагиларни ёзиш мумкин:

$$P = UI\cos\varphi = U_R I = I^2 R,$$

$$Q = UI\sin\varphi = U_x I = I^2 X$$ (R/L ва C занжир учун),

$$S = UI = I^2 Z,$$

$P = UI\cos\varphi = UI_g = gU^2,$

$Q = UI\sin\varphi = UI_b = bU^2$ (g, L ва C занжир

$S = UI = YU^2.$

учун),

Доимо мусбат бўлган P ва S лардан фарšли ўлароš, реактив Q šувват φ>0 бўлганда мусбат (индуктив режим), φ<0 бўлганда эса манфий (сиђим ќолат) дир.



3.11-расм

3.3-мисол. Актив r_L ва x_L šаршиликли индуктив ђалтак, частотаси f=50 Гц ва эффектив кучланиши U=130 В бўлган манбада I=2 А ток истеъмол šилади. Агар шу ђалтакнинг ўзи ўзгармас кучланишга улан-са, илгариги ток I=2 А ўрнатилиши учун U=50 В кифоя. Ђалтак индуктивли-гини топинг.

Ечиш. Ђалтакнинг тўла šаршилиги

$$Z_L = \frac{U}{I} = \frac{130}{2} = 65\ Ом;$$

Ђалтакнинг актив šаршилиги ўзгармас ток учун:

$$r_L = Z_0 = \frac{U_0}{I_0} = \frac{50}{2} = 25\ Ом.$$

Ғалтакнинг индуктив қаршилиги:

$$x_L = \sqrt{Z_L^2 - r_L^2} = \sqrt{65^2 - 25^2} = 60\ Ом.$$

Ғалтакнинг индуктивлиги:

$$L = \frac{x_L}{\omega} = \frac{60}{2\pi \cdot 50} = 0{,}191\ Г.$$

3.8. Занжирдаги синусоидал ўзгарувчан ток. Ток энергиясининг тебраниши. Занжир элементларидаги оний қувватлар

Юқорида кўрсатилганидек, актив ва реактив элементлардан тузилган занжирдаги синусоидал ўзгарувчан ток қуввати ўзининг ўртача қиймати P=UIcosφ атрофида 2ω га тенг частота билан ўзгаради. Энди 3.9-расмда келтирилган занжирнинг элементларидаги энергетик муносабатларни таҳлил қилайлик. Кирхгофнинг биринчи қонунига кўра манбадан келаётган ток

$$i = i_g + i_L + i_c = gu + \frac{\psi}{L} + C\frac{du}{dt}$$

бўлади; бунда $\psi = \int u dt$ ғалтакдаги i_L ток ҳосил қилган магнит оқимнинг илашиши. Занжирнинг элементларида оний қувватлар қуйидагича тақсимланади:

$$P = ui = p_g + p_L + p_c = gu^2 + \frac{\psi}{L} \cdot \frac{d\psi}{dt} + Cu\frac{du}{dt} =$$

$$= gu^2 + \frac{d}{dt}\left(\frac{\psi^2}{2L}\right) + \frac{d}{dt}\left(\frac{Cu^2}{2}\right) = gu^2 + \frac{dw_M}{dt} + \frac{dw_э}{dt} \qquad \textbf{(3.38)}$$

(3.38) дан келиб чиšадики, актив ўтказувчанлик g, тармоšдаги $p_g=gu^2$ šувват доимо нолдан катта бўлиб, электр энергиясининг иссиšлик энергиясига фаšат šайтмас тарздагина айланишини кўрсатади.

Индуктивликдаги

$$P_L = \frac{d}{dt}\left(\frac{\psi^2}{2L}\right) = \frac{d}{dt}\left(\frac{Li^2}{2}\right)$$

šувват ђалтак магнит майдони билан манба орасидаги энергиянинг циркуляцияланиши тезлигини кœрсатади: $p_L > 0$ бœлганда манбадан келаётган энергия индуктивликда магнит майдонга œтади: $p_L < 0$ бœлганда эса манбага šайтади. Худди шунингдек, сиђимда йиђиладиган оний šувват $p_c = \frac{d}{dt}\left(\frac{Cu^2}{2}\right) = \frac{d}{dt}\left(\frac{q^2}{2C}\right)$ унинг электр майдони билан манба орасида энергиянинг циркуляцияланиши тезлигини аниšлайди: $p_c > 0$ бœлганда манбадан келаётган энергия сиђимдаги электр майдонга œтади, $p_c < 0$ бœлгнада эса, у манбага šайтади.

Агар умумий ќолда параллел занжирга (3.9-расм) берилаётган кучланишни $u = U_m \sin\omega t$ деб олсак, занжирнинг айрим тармоšларидаги (элементтлардаги) токларни šуйидагича ифодалаймиз:

$$i_g = gU_m \sin\omega t, \qquad i_L = -\frac{U_m}{\omega L}\cos\omega t \qquad \textbf{ва} \quad i_g = \omega C g U_m \cos\omega t.$$

У ќолда занжирнинг тармоšларидаги оний šувват тегишлича

$$p_g = ui_g = gU_m^2 \sin^2 \omega t = gU^2(1-\cos 2\xi t) = UI\cos\varphi(1-\cos 2\omega t)$$

(3.39)

$$p_L = ui_L = -\frac{U_m^2}{\omega L}\sin\omega t\cdot\cos\omega t = -b_L U^2 \sin 2\xi t = -UI_L \sin 2\omega t \quad (3.40)$$

$$p_C = ui_C = \omega C U_m^2 \sin\omega t\cdot\cos\omega t = -b_c U^2 \sin 2\omega t = UI_c \sin 2\omega t \quad (3.41)$$

бœлади. Реактив элементларнинг йиђинди šуввати:

$$p_b = p_L + p_c = -(I_L - I_c)U\sin 2\omega t = -bU^2 \sin 2\omega t = -UI\sin\varphi\cdot\sin 2\omega t$$

(3.42)

Бутун занжирнинг оний šуввати:

$$p = p_g + p_L + p_C = p_g + p_b = UI\cos\varphi - UI\sin\varphi\cdot\sin 2\omega t -$$

$$-UI\cos\varphi\cos 2\omega t = UI[\cos\varphi - \cos(2\omega t - \varphi)]$$

(3.40) ва (3.41) ифодларга кœра, бир давр ичида реактив элементлар šувватлариларининг œртача šиймати нолга тенг. Бунга i_g, i_L **ва** i_c токларнинг ва кучланиш uнинг ваšт бœйича œзгарадиган диаграммаларини šуриб (3.12-расм), ишонч ќосил šилиш мумкин.

Актив элементнинг Рп оний šуввати (3.12-а расм) истаган оний ваšтда [$u = i_g = 0 \quad (\omega t = 0, \pi, 2\pi$ ва ќ.к.) дан ташšари] нолдан катта бœлиб, œзининг œртача

$P = UI \cdot \cos\varphi$ šиймати атрофида иккиланган частота 2ω билан œзгариб туради. Унинг бундай œзгариши (3.39) дан келиб чиšади. Бунинг сабаби шуки, i ток йœналиши кучланиш u йœналиши билан устма-уст тушади.

Индуктив элементнинг оний šуввати $p_L = ui_L$ (3.12-б расм) ќар чорак (Т/4) даврда œзининг ишорасини тескарисига œзгартиради: кучланиш u ва ток i_L нинг йœналишлари мос бœлган чоракларда унинг ишораси мусбат, улар йœналишлари šарама-šарши бœлган чоракда эса манфий бœлади. U ва i_L лар нол šийматлардан œтган оний ваšтларда šувват $p_L = 0$. Кучланиш u ва ток i_L нинг орасида фаза силжиши бурчаги $\pi/2$ га тенг бœлгани учун оний šувват p нинг мусбат ва манфий ярим тœлšинлари œзаро тенг, яъни ђалтакнинг магнит майдонига šанча энергия келиб тушса (мусбат ярим тœлšин), ундан œшанча энергия манбага šайтарилади (манфий ярим тœлšин).



3.12-расм

Худди шунга œхшаш, сиђим элементларидаги оний šувват p_c (3.12-в расм) индуктив šувватга šарама-šарши фазада œзгаради. Кейинги икки ќолатда, шунингдек (3.40) ва (3.41) тенгламаларга кœра, šувватнинг œртача šиймати нолга тенг. Магнит энергия ђалтакда токнинг мутлоš миšдори ортган чоракларда йиђилиб, камайган чоракларда манбага šайтади. Сиђимдаги электр энергиянинг айланиш йœналиши эса унинг šопламаларидаги кучланиш мутлоš šийматнинг ортиши ёки камайиши билан аниšланади. Энергия тœпловчи элементларнинг реактив šуввати йиђиндиси 3.12-расмда кœрсатилган. Индуктив I_L ва сиђим I_c токларнинг эффектив šийматлари бир-бирига šанчалик яšин бœлса, бу йиђинди шунчалик катта бœлади. Бу ќол (3.42) тенгламадан кœриниб турибди. Ниќоят $I_L = I_c$ бœлганда, бу šувват нолга тенг. Демак, ђ а л - т а к н и н г   м а г н и т   м а й д о н и   э н е р г и я с и   к о н д е н с а т о р н и н г   э л е к т р   м а й д о н и   э н е р г и я с и г а   д а в р и й   р а в и ш д а   œ т а д и ва аксинча: бу ќолда манбадан истеъмол šилинаётган энергия фašат актив œтказувчанликдаги энергия сарфини šоплашга кетади. 3.12-д расмда $I_l > I_c$ ќолати учун бутун занжир оний šувватининг œзгариш диаграммаси берилган, ундан кœриниб турибдики, манбадан келаётган энергиянинг бир šисми œзига šайтяпти. (3.42-тенглама) га биноан, šайтарилаётган энергия šисми (šувват) сон жиќатидан фаза силжиши φ нинг миšдорига бођлиšдир. 3.12-г расмдаги $p(\omega t)$ šувват синусоидаси тœлšини пастки šисмининг юзаси манбага šайтарилаётган энергияни тасвирлайди. Силжиш бурчаги šанча катта бœлса, бу энергия шунча катта бœлади. Давр ичида манба кучланиши (ёки истаган тармоšдаги ток) бир марта œзгарса, занжир айрим элементлардаги (3.12,а,б,в ва г расм), шунингдек, бутун занжирдаги (3.12-д расм) оний šувват тœла икки марта œзгаради. Демак, оний šувват занжирда ва унинг элементларида иккиланган частота 2ω билан œзгаради. Юšорида келтирилган мулоќазалар R, L ва C элементлари кетма-кет уланган занжирларга ќам тегишлидир. Ќар šандай кетма-кет уланган занжирни параллел уланган занжирга ёки тескарисига алмаштириш мумкинлиги šуйида кœрсатилган.

3.9. К е т м а – к е т в а п а р а л л е л у л а н г а н с и н у с о и д а л œ з г а р у в ч а н т о к з а н ж и р - л а р и н и э к в и в а л е н т з а н ж и р л а р г а а л м а ш т и р и ш п р и н ц и п и

Бир фазали манбадан таъминланаётган œзгарувчан ток мураккаб занжирлари кœриб чиšилаётганда занжирга берилаётган кучланиш u, истеъмол šилинаётган токI ва фаза силжиш бурчаги φ нинг миšдори ва йœналиши асосий параметрлар ќисобланади. Агар бу занжирни šандайдир пассив икки šутблилик тарзида тасаввур šилсак, у кетма-кет (3.13-а расм) ва параллел (3.13-б расм) уланган, занжирларнинг бир хил эќтимоллик ва аниšликдаги ифодаси бœлади. Агар бу занжир учун U, I **ва** φ šийматлар маълум бœлса, у ќолда икки šутблиликнинг параметрлари занжир šисмларининг šаршиликлари ёки œтказувчанликлари бœйича аниšланади. Биринчи ќолда,

$$\underline{Z} = \frac{U}{I}, \quad R = \underline{Z}\cos\varphi; \quad x = x_L - x_c = \underline{Z}\sin\varphi$$

(бунда $\varphi > 0$ бœлса, $X_L > X_C$ **ва** $\varphi < 0$ бœлса, $X_L < X_c$). Улар асосида кетма-кет (3.13-а расм) ва параллел (3.13-б расм) уланган иккита занжирнинг бир-бирига эквивалентлиги аниšланади. Бунинг учун šуйидаги эквивалентлик шартлари бажарилиши керак:

$$\underline{Z} = \frac{U}{I} \quad \textbf{ва} \quad Y = \frac{I}{U}, \quad \textbf{яъни} \quad \underline{Z} = \frac{1}{Y} \tag{3.43}$$

$$\sin\varphi = \frac{x}{\underline{Z}} = \frac{b}{y} \tag{3.44}$$

$$\cos\varphi = \frac{R}{\underline{Z}} = \frac{g}{y} \tag{3.45}$$

Аралаш уланган мураккаб занжирларни ḱисоблашда, баъзан занжирнинг барча элементларини кетма-кет ёки параллел улашга келтириш зарур бœлади. Бу келтириш (3.43) – (3.45) тенгламалар асосида бажарилади. Агарда y, g ва p эквивалент бœлган кетма-кет занжирнинг šаршиликлари



3.13-расм

$$\underline{Z} = \frac{1}{y}; \quad R = \frac{g\underline{Z}}{y} = \frac{g}{y^2}; \quad x = \frac{b\underline{Z}}{y} = \frac{b}{y^2}$$

Аксинча, кетма-кет уланган ва Z, x **ва** R šаршиликлари маълум бœлган занжир берилган бœлса, унга эквивалент параллел занжир œтказувчанликлари šуйидагича топилади:

$$y = \frac{1}{\underline{Z}}; \quad g = \frac{R}{\underline{Z}^2} \quad \textbf{ва} \quad b = \frac{x}{\underline{Z}^2}.$$

Баъзан, амалий ќисобларда ички уланиш схемаси номаълум занжирнинг эквивалент šаршилиги (ёки œтказувчанлиги) ва силжиш фазаси φ ни аниšлаш керак бœлади. Бу ќолда берилган занжирнинг ташšи šисмлари 1 ва 2 билан белгиланиб, пассив икки šутблилик П (3.14-расм) шаклида кœрсатилади. Вольтметр V, амперметр A ва ваттметр W кœрсатишлари бœйича кучланиш U, ток I ва šувват P ни аниšлаймиз. Агар бунда $P < UI$ бœлса, $\varphi \neq 0$ бœлиб, унинг мутлоš šиймати šуйидагича ќисобланади,

$$\varphi = \arccos P/UI$$

φ нинг ишорасини фазометр ёрдамида, фазометр бœлмаса, šуйидагича аниšлаш мумкин. Текширилаётган занжирнинг 1-2 кириш šисмаларига фазани аниšловчи сиђим C уланади (3.14-расм): бу сиђимдан œтадиган ток умумий ток I ни œзгартириши керак. Агар занжир индуктивлик характерда бœлса $(\varphi > 0)$, индуктив ташкил этувчини šисман компенсациялаш ќисобига умумий ток $I' < I$ гача камаяди. Агар занжир актив-сиђим $(\varphi < 0)$ характерига эга бœлса, реактив сиђим токининг ортиши ќисобига умумий ток $I' > I$ гача ортади. Юšоридагидек аниšлашда тажриба натижаси занжир элементларини икки šутблилик ичида улаш усулига бођлиš бœлмайди.



3.14- расм

IV БОБ
ŒЗГАРУВЧАН ТОК ЗАНЖИРЛАРИНИ КОМПЛЕКС УСУЛДА ЌИСОБЛАШ

4.1. Ќисоблашнинг комплекс усули ќаšида тушунча

Маълумки, синусоидал œзгарувчан ток занжирларида турђунлашган ќолатлар (э.ю.к., кучланиш ва ќ.к.) дифференциал тенгламаларнинг хусусий ечимларидан иборат бœлиб, улар билан занжирларнинг мувозанат ќолатлари тавсифланади. Параметрлари чизиšли бœлган занжирга œзгарувчан кучланиш берилганда унинг ќамма тармоšлари ва šисмларида худди шундай шаклдаги реакция рœй беради. Бошšача šилиб айтганда, занжирнинг мувозанат ќолати Кирхгоф šонунларига биноан œзгарувчан электр ва электромагнит миšдорларнинг баланси билан ифодаланади. Мураккаб синусоидал œзгарувчан ток зан-жирларини оддий математик усул билан ќисоблаш ноšулай ва кœп меќнат талаб šилади ва ундан амалий ќисоблашда фойдаланиш šийин. Бундай ќисоблашдаги асосий ноšулайлик ќар бир синусоидал миšдор (э.ю.к., кучланиш ва ток) œзининг амплитудаси ва бошланђич фазаси билан



4.1-расм

аниšланишидан келиб чиšади. Œзгарувчан миšдор-ларни геометрик усулда айланувчи векторлар тарзида ифодалаш (3.4) ќам œз навбатида мураккаб занжирлар учун бажариш šийин бœлган мураккаб вектор диаграммалар тузишни талаб этади. Шунга šарамасдан бу усул œзгарувчан ток занжирларини к о м п л е к с усулда ќисоблашнинг асоси šилиб олинган. Комплекс усул, яъни айланувчи векторларни комплекс сонлар ёрдамида ифодалаш геометрик ясашларни талаб šилмай, комплекс сонлар устида амаллар бажаришга имкон беради. 4.1-расмда ќašиšий (+I) ва мавќум (+j) ортогонал œšларда комплекс текислик кœрсатил- ган бœлиб, унда $\dot{A},\dot{B}$ ва $\dot{C}$ комплекс сонлар тасвирланган (электротехникада бундай векторлар нуšта билан белгиланади). Бу сонларнинг тасвири координата боши 0 дан чиšиб, A,B,C модулларга эга бœлган векторларни ифодалайди. Векторларнинг ќолати +1 œšдан бошлаб соат милига тескари йœналишда ќисобланган бошланђич α, β ва γ фазалар (аргументлар) билан ёки бу векторларнинг тегишли œšларга бœлган проекциялари: a_1 ва a_2; b_1 ва b_2; c_1 ва c_2 орšали белгиланади. Биринчи ќолда векторлар šуйидагича кœрсаткичли шаклда берилган деб ќисобланади:

$$\dot{A} = Ae^{j\alpha}, \quad \dot{B} = Be^{j\beta} \quad \text{ва} \quad \dot{C} = Ce^{j\gamma},$$

бунда: e - натурал логарифмларнинг асоси , j=$\sqrt{-1}$. Иккинчи ќолда тасвир алгебраик (ёки тригонометрик) шаклда берилган ќисобланади:

$\dot{A} = a_1 + ja_2,$ $\dot{B} = b_1 + jb_2,$ ва $\dot{C} = c_1 + jc_2,$

ёки

$\dot{A} = A(\cos\alpha + j\sin\alpha),$ $\dot{B} = B(\cos\beta + j\sin\beta)$ ва $\dot{C} = C(\cos\gamma + j\sin\gamma).$

Келтирилган шаклдаги ёзишлар Эйлернинг комплекс сонлар учун берилган формулаларидан келиб чиšади, яъни:

$$e^{jz} = \cos Z + j\sin Z$$
$$e^{-jz} = \cos Z - j\sin Z$$

$\dot{A} = Ae^{j\alpha} = a_1 + ja_2$ комплекс сонлар учун šуйидаги нисбатларни келтириш мумкин:

$$A = \sqrt{a_1^2 + a_2^2}, \qquad \alpha = arctg\, {a_2}/{a_1}$$

бунда: a_1=A cosα=Re$(\dot{A})$ - комплекс соннинг ќаšиšий šисми-ни ифодалайди, a_2=A sinα=Im$(\dot{A})$ - комплекс соннинг мав-ќум šисмини ифодалайди.

Хусусий ќолда:

1) α=0 бœлса, $\dot{A}$ = A=a_1 ; a_2 =0

2) α=±π/2 бœлса, $\dot{A}$ = ± jA = ±ja_2 ; a_1=0

3)α=± π бœлса, $\dot{A} = -A = -a_1; a_2 = 0$ ва ќ.к. Шунингдек,

$$e^{\pm\pi/2} = \pm j \qquad \frac{1}{j} = -j; \qquad j^2 = -1; \qquad j^3 = -j \quad \text{ва} \quad j^4 = 1$$

эканлиги кœриниб турибди. Энди бизга šандайдир комплекс сон берилган бœлсин:

$$I_m e^{j(\omega t + \Psi_i)} = I_m \cos(\omega t + \Psi_i) + jI_m \sin(\omega t + \Psi_i);$$

уни šуйидагича ёзиш мумкин:

$$I_m e^{j(\omega t + \Psi_i)} = I_m e^{j\omega t} \cdot e^{j\Psi_i} = \dot{I}_m e^{j\omega t}$$

Бу эса бурчак тезлик билан айланаётган бирор $\dot{I}_m$ векторнинг тасвиридир. Бошšа томондан I_m e $j(\omega t+\psi_i)$ векторнинг мавќум šисми оддий синусоидадир, яъни:

$$\mathrm{Im}\left[I_m e^{j(\omega t + \Psi_i)}\right] = I_m \sin(\omega t + \Psi_i).$$

Демак, биз бошлан�ич фазаси ва амплитудаси I_m бœлган ω частотали синусоидани комплекс шаклда тасвирладик. Агар синусоидал œзгарувчан токнинг оний šийматининг худди ана шундай шаклда кœрсатилишини ќисобга олсак, комплекс сон

$$I_m e^{j(\omega t + \Psi_i)} = \dot{I}_m e^{j\omega t}$$

ток i = I_m sin $(\omega t + \psi_i)$ нинг символик тасвири бœлиб чиšади. Бу ерда I_m=I_m $e^{j\psi_i}$ - токнинг комплексли амплитудаси. Кœпай-тирувчи $e^{j\omega t}$ комплекс сонни œзининг бошлан�ич œši атрофида œзгармас бурчак тезлик билан айланаётган вектор эканлигини кœрсатади, 3.3 да кœрсатилганидек, бир хил частоталардаги электр миšдорлар векторларининг бир waštда айланиши бу векторлар орасидаги фазавий ќамда амплитудавий нисбатларни бузмайди. Демак, i = I_m sin (ωt+ +ψ_i) токка комплекс текисликда I_m амплитуда ва ψ_i аргумент билан аниšланадиган I_m=I_m $e^{j\Psi_i}$ вектор мос келади деб ќисоблаш мумкин. Худди шунингдек э.ю.к. e=E_m sin (ωt+ψ_e) ва кучланиш u=U_m sin (ωt+ψ_u) учун тегишлича

$$\dot{E}_m = E_m e^{j\Psi_e} \quad \text{ва} \quad \dot{U}_m = U_m e^{j\Psi_u}$$

га эга бœламиз.

Ќašišий ќисоблашда токлар, э.ю.к.лар ва кучланишларнинг эффектив šийматлари берилади; у ќолда тегишли комплекслар šуйидаги кœринишда ёзилади:

$$\dot{I} = \frac{\dot{I}_m}{\sqrt{2}} = Ie^{j\Psi_i}, \qquad \dot{E} = \frac{\dot{E}_m}{\sqrt{2}} = Ee^{j\Psi_e}, \qquad \text{ва}$$

$$\dot{U} = \frac{\dot{U}_m}{\sqrt{2}} = Ue^{j\Psi u},$$

Шундай šилиб, комплекс усул синусоидал функциялардан (оригиналлардан) комплекс сонларга (уларнинг тасвирига) œтиш имконини беради.

Агар энди ушбу усул функциядан, яъни оригиналдан, комплекс тасвирга œтишни $\times$ белгиси билан ифодалайдиган бœлсак, унда šуйидагиларни ёзиш мумкин:

$$i = I_m \sin(\omega t + \psi_i) \times I_m e^{j(\omega t + \psi_i)} = \dot{I}_m e^{j\omega t}$$

$$u = U_m \sin(\omega t + \Psi_u) \times U_m e^{j(\omega t + \psi_u)} = \dot{U}_m e^{j\omega t}$$

$$e = E_m \sin(\omega t + \Psi_u) \times E_m e^{j(\omega t + \psi_e)} = \dot{E}_m e^{j\omega t}$$

ва ќ.к.

Электр занжирларини комплекс усулда ќисоблаш жараёнида ток, кучланиш ва э.ю.к. лар фаšатгина вašт функцияси тарзида эмас, балки унинг ќосиласи ёки интеграли тарзида учраши мумкин. Масалан,

$$\frac{di}{dt} = \omega I_m \cos(\omega t + \psi_i) = \omega I_m \sin(\omega t + \psi_i + \frac{\pi}{2});$$

демак, мазкур функциянинг тасвири šуйидагича топилади:

$$\omega I_m \sin(\omega t + \psi_i + \frac{\pi}{2}) \Leftrightarrow \omega I_m e^{j(\omega t + \Psi_i + \frac{\pi}{2})} =$$

$$= j\omega I_m e^{j\Psi_i} \cdot e^{j\omega t} = j\omega \dot{I}_m e^{j\omega t}$$

Демак:

$$\frac{di}{dt} = j\omega \dot{I}_m e^{j\omega t},$$

яъни комплекс усули šœлланаётганда функциядан ќосила олиш - ушбу функциянинг тасвирини "jω" га кœпайтириш операциясига тœђри келади. Худди шунга өхшаш, функциянинг "n"-нчи даражали ќосиласи тасвири

$$\frac{d^n i}{dt^n} = (j\omega)^n \dot{I}_m e^{j\omega t}$$

көринишда тузилиши анишдир.

Энди шу токни интеграллашга өтсак,

$$q(t) = \int_0^t i dt = \int_0^t I_m \sin(\omega t + \psi_i) dt = -\frac{I_m}{\omega}\cos(\omega t + \psi_i) + q(o) =$$

$$= \frac{I_m}{\omega}\sin(\omega t + \psi_i - \frac{\pi}{2}) + q(o)$$

(Бу ерда: q(o) - конденсаторли элемент учун бошланђич заряд).

Комплекс усули фаšатгина өзгарувчан (айнан синусоидал) миšдорларга нисбатан ишлатилиши мумкинлигини эътиборга олсак, q(o) ни ќисобга олмаймиз. Шу шарти билан интегралланган ток тасвири šуйидаги көринишда бөлади:

$$\int_0^t i dt = \frac{I_m}{\omega}\sin(\omega t + \Psi_i - \frac{\pi}{2}) = \frac{I_m}{\omega} e^{j(\omega t + \Psi_i - \frac{\pi}{2})} = \frac{I_m}{\omega} e^{(\Psi_i - \frac{\pi}{2})} \cdot e^{j\omega t} =$$

$$= \frac{\dot{I}_m}{\omega} e^{-j\frac{\pi}{2}} \cdot e^{j\omega t} = \frac{\dot{I}_m}{j\omega} e^{j\omega t}$$

Демак, комплекс шаклда берилган ќар šандай синусоидал функциянинг тасвири $\dot{I}_m e^{j\omega t}$ бœлса, у функциянинг интегралини тасвирлаш функция тасвирини "jω" га бœлиш билан баробар экан.

4.2. Ом ва Кирхгоф šонунларининг комплекс шаклда ифодаланиши. Комплекс šаршиликлар ва œтказувчанликлар

Берилган бирор пассив занжир $u=U_m\sin(\omega t+\psi_u)$ кучланиш манбаига уланган деб фараз šилайлик. Занжир элементларининг уланиш усулларидан šатъий назар, бутун занжирнинг токини $i=I_m\sin(\omega t+\psi_i)$ десак, кучланиш ва ток эффектив šийматларининг комплекслари

$$\dot{U}=U\cdot e^{j\Psi_u} \qquad \text{ва} \qquad \dot{I}=I\cdot e^{j\Psi_i}$$

бœлади. Ом šонунига биноан, бу занжирнинг тœла šаршилиги комплекс шаклда šуйидагича ёзилади:

$$\underline{Z}=\frac{\dot{U}}{\dot{I}}=\frac{U}{I}e^{j(\Psi_u-\Psi_i)}=Ze^{j\varphi}=R+jx,$$

бунда $\underline{Z}=ze^{j\varphi}=R+jx$ - занжирнинг комплекс šаршилиги; R, X ва Z – мос равишда занжирларнинг актив, реактив ва тœла šаршиликларининг модуллари (мутлаš šийматлари).

Занжирнинг к о м п л е к с œ т к а з у в ч а н л и- г и ќам худди шундай анишланади:

$$Y=\frac{\dot I}{\dot U}=\frac{I}{\underline{Z}}=ye^{-j\varphi}=y*\cos\varphi-jy\sin\varphi=g-jb,$$

бунда g, b ва y – занжирнинг мос холда актив, реактив ва тœла œтказувчанликларининг модуллари.

Шундай šилиб, Ом šонунини умумий кœринишда šуйидаги шаклларда ёзиш мумкин:

$$\dot I=\frac{\dot U}{\underline{Z}},\ \dot U=\dot I\underline{Z};\quad I=Y\dot U$$ ва $$\dot U=\frac{\dot I}{\underline{Y}},$$

Агар занжирнинг элементлари ва уларни улаш усуллари маълум бœлса, у ќолда комплекс šаршиликни (кетма-кет улаш учун) ёки комплекс œтказувчанликни (параллел улаш учун) янада аниš шаклда ёзиш мумкин:

$$\underline{Z}=R+jx=R+j(\omega L-\frac{1}{\omega C})=R+j\omega L+\frac{1}{j\omega C}$$

$$Y=g-jb=g-j\left(\frac{1}{\omega L}-\omega C)\right)=g+\frac{1}{j\omega L}+j\omega C.$$

Кирхгофнинг биринчи šонуни комплекс шаклда šуйидаги кœринишда ёзилади:

$$\sum_{k=1}^{n} \dot{I}_k = 0,$$

яъни занжир тугуни учун комплекс токларнинг алгебраик йиђиндиси нолга тенг. Айрим комплекс токларнинг олдидаги ишораси схемадаги токларнинг шартли šабул šилинган йœналишларига бођлиš; масалан, тугунга келаётган токлар ″+″, тугундан чиšиб кетаётганлари эса ″-″ ишорага эга.

Танланган контур учун Кирхгофнинг иккинчи šонуни комплекс шаклда šуйидагича ёзилади:

$$\sum_{1}^{n} \dot{E}_k = \sum_{1}^{n} U_k = \sum_{1}^{n} \dot{I}_k \underline{Z}_k,$$



4.2- расм

яъни контурга кирувчи барча э.ю.к. ларнинг комплекс йиђиндиси шу контурнинг кетма-кет šисмла-ридаги кучланишлар паса-йишининг комплекслари йиђиндисига тенг.

4.1-м и с о л. 4.2-расмдаги занжирга синусоидал u=107,5 sin (400t -30°) В кучланиш берилган. Занжирнинг параметрлари: r_o=0,6 Ом, r_1=5 Ом; L = 0,0125 Г; r_2=15 Ом ва C=125 мкФ. Комплекс усулдан фойдаланиб, занжир тармоšларидаги токларнинг оний šийматлари ва šисмларидаги кучланишларнинг пасайиши аниšлансин.

Е ч и ш . Занжирнинг тœла šаршилиги:

$$\underline{Z} = \underline{Z}_0 + \underline{Z}_{ab} = r_0 + \frac{\underline{Z}_1 \underline{Z}_2}{\underline{Z}_1 + \underline{Z}_2} = 0{,}6 + \frac{(5 + j5)(15 - j20)}{20 - j15} =$$

$$= 6{,}8 + j3{,}4 = 7{,}6e^{j25^0 30'} Om$$

Йи□инди ток эффектив šийматининг комплекси:

$$\dot{I}_0 = \frac{\dot{U}}{\underline{Z}} = \frac{107{,}5e^{-j30^0}}{\sqrt{2} \cdot 7{,}6e^{j26^0 30'}} = 10e^{-j56^0 30'} \quad [A]$$

Тармоšлардаги токларнинг комплекслари:

$$\dot{I}_1 = \dot{I}_0 \frac{\underline{Z}_2}{\underline{Z}_1 + \underline{Z}_2} = 10^{-j56^0 30'} \cdot \frac{15 - j20}{20 - j15} = 10^{-j72^0 50'} \quad [A]$$

$$\dot{I}_2 = \dot{I}_0 \frac{\underline{Z}_2}{\underline{Z}_1 + \underline{Z}_2} = 10^{-j56^0 30'} \cdot \frac{15 - j20}{20 - j15} = 10^{-j72^0 50'} \quad \mathbf{[A]}$$

r_0 šаршиликдаги ва ab тугунлар орасидаги кучланишларнинг комплекслари тегишлича

$$\dot{U}_0 = \dot{I}_0 r_0 = 10e^{-j56^o 30'} 0{,}6 = 6e^{-j56^o 30'} \quad [B]$$

$$\dot{U}_{ab} = \dot{I}_0 \underline{Z_{ab}} = 10e^{-j56^o30'} 5\sqrt{2}e^{j28^o40'} = = 50\sqrt{2}e^{-j27^o50'}$$ [В]

бœлади.

Ток ва кучланишларнинг оний šийматларига œтиб, šуйидагиларни ќосил šиламиз:

токлар учун:

$$i_0 = 10\sqrt{2}\sin(400t - 56^0 30')$$ [А]

$$i_1 = 10\sqrt{2}\sin(400t - 72^0 50')$$ [А]

$$i_2 = 4\sin(400t + 25^0 20')$$ [А]

кучланишлар учун:

$$u_0 = 6\sqrt{2}\sin(400t - 56^0 30')$$ [В]

$$u_{ab} = u_1 - u_2 = 100\sin(400t - 27^0 50')$$ [В]

4.3. Šувват комплекси.

Синусоидал ток занжиридаги актив, реактив ва тœла šувватларни кучланиш U ва ток I нинг берилган эффектив šийматлари, шунингдек, бу миšдорларнинг векторлари орасидаги фаза силжиши бурчаги $\varphi = \Psi_u - \Psi_i$ орšали ќисоблаш юšорида кœрсатилган эди, яъни P=UI×cosφ, Q=UI sinφ ва S=UI. Аммо šувват комплексини ќисоблаш маšсадида кучланиш $\dot{U} = Ue^{j\Psi_u}$ ва ток $\dot{I} = Ie^{j\Psi_i}$ векторларини тœ□ридан-тœђри кœпайтирсак, тœђри модулли S=UI билан бир šаторда физик реал (ќашиший) бœлмаган аргумент $\varphi' = \Psi_u + \Psi_i$ га дучор бœламиз. Агар $\dot{S} = \dot{U}\dot{I}$ кœпайтманинг комплекслари $\dot{U}$ (ёки $\dot{I}$) дан бирортасининг аргументи тескари ишорали шилиб олинса, кœпайтма векторининг аргументи $\pm\varphi$ га тенг бœлади, яъни:

$$\overset{*}{S} = \overset{\Delta}{U}\dot{I} = Ue^{-j\Psi_u} * Ie^{j\Psi_i} = UIe^{-j\varphi} =$$
$$= UI\cos\varphi - jUI\sin\varphi = P - jQ$$

$$\overset{*}{S} = \dot{U}\overset{\Delta}{I} = Ue^{j\Psi_u} * Ie^{-j\Psi_i} = UIe^{j\varphi} =$$
$$= UI\cos\varphi + jUI\sin\varphi = P + jQ$$

Шундай шилиб, кучланиш ва токнинг ишорада олинган аргументли комплекслари, яъни аргументнинг ишорасини сунъий равишда тескарисига алмаштириш комплекси S нинг модулига тенг тœла шувватни ва унинг актив P, реактив Q ташкил этувчиларини бир ваштда ќисоблашга имкон беради. Бу ќолда P ва Q тегишлича олинган комплекс соннинг ќаший ва мавќум шисмларига тенг. Гарчи $\dot{U}$ ва $\dot{I}$ комплексларнинг иккала œзгартириш варианти тенг кучли бœлса ќам, занжир характерини анишлашнинг шуйидаги шоидаларини ёдда тутиш лозим. Агар кучланиш комплекси $\dot{U} = Ue^{j\Psi_u}$ нинг œрнига $\overset{\Delta}{U} = Ue^{-j\Psi_u}$ ни олсак, манфий мавќум -Q шисм занжирларнинг индуктив характерига, +Q шисм эса сиђим характерига, ток комплекси $I = Ie^{j\Psi_u}$ нинг œрнига $\overset{\Delta}{I} = Ie^{-j\Psi_u}$ ни олсак, аксинча -Q šисм занжирнинг сиђим характерига, +Q эса индуктив характерга эга эканлигига мос келади.

4.4. Оддий ва мураккаб занжирларни комплекс усул билан ќисоблаш

1. *Šаршиликларнинг кетма-кет улангандаги комплекс кœриниши (ифодаси*)

Кетма-кет уланган šаршиликлардан тузилган оддий занжир œзгарувчан кучланиш манбаига уланган деб фараз šилайлик (4.3 расм). Занжирнинг барча элементлари учун умумий бœлган ток χ_1, χ_2, ... χ_n šаршиликларда тегишлича кучланишлар ќосил šилади:

$$\dot{U}_1 = \dot{I}\underline{Z}_1, \quad \dot{U}_1 = \dot{I}\underline{Z}_1, \; ..., \; \dot{U}_n = \dot{I}\underline{Z}_n.$$

